

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.190.2

ИМОДИНОВ ХАМИДИЛЛО СОЙИБЖОНОВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари
доктори, доцент И.А.Носиров**

Тошкент – 2022

МУНДАРИЖА:

| | | |
|--|---|------------|
| КИРИШ..... | | 3 |
| I-БОБ | ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... | 13 |
| 1.1. | Тадбиркорлик фаолиятида риск менежменти тизимининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва хусусиятлари..... | 13 |
| 1.2. | Тадбиркорлик тузилмаларида риск менежменти тизимини ташкил этишдаги ўзгаришларнинг назарий-услубий жиҳатлари..... | 23 |
| 1.3. | Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти..... | 31 |
| | I-боб бўйича хулоса..... | 41 |
| II-БОБ | АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ | 42 |
| 2.1. | Андижон вилояти тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш холати ва ўзгариш тенденциялари таҳлили..... | 42 |
| 2.2. | Тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ва уларда рискларни бошқариш жараёнларига омиллар таъсирини баҳолаш..... | 52 |
| 2.3. | Тадбиркорлик субъектларида рискларни бошқариш тизими асосида инновацион ва инвестицион фаолият самарадорлиги..... | 71 |
| | II-боб бўйича хулоса..... | 80 |
| III-БОБ | РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ..... | 82 |
| 3.1. | Тадбиркорлик субъектларида рақобатбардошликни бошқариш стратегияси..... | 82 |
| 3.2. | Риск менежментини тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш..... | 90 |
| 3.3. | Ижтимоий-иктисодий тизимларда риск менежменти асосида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш механизmlари..... | 100 |
| | III-боб бўйича хулоса..... | 112 |
| ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..... | | 113 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | | 118 |
| ИЛОВАЛАР. | | |

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда халқаро ташкилотлар томонидан риск менежменти бўйича зарур қўрсатмалар ва мезонлар ишлаб чиқилган. Ушбу талаблар асосида давлат тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш стратегиялари ва уларда риск менежментига, тадбиркорликнинг давлат аҳамиятидаги жараён сифатидаги белгиловчи роли, тадбиркорлик фаолиятига рисклар таъсирининг ва рақобатбардошлигига янги таҳдидлар мазмунини очиб бериш заруриятини келтириб чиқармоқда. “БМТ Бош Ассамблеясининг Савдо ва Ривожланиш конференцияси тадқиқотларига кўра, «тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2019 йилдаги 1,54 трлн. АҚШ долларлик қийматидан 2020 йил якунига бориб, деярли 40 фоизгача камайиши мумкинлиги таҳмин қилинган”¹. Бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни қўллашга алоҳида эътибор қаратиш ва тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳонда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Жаҳон Савдо ташкилоти, БМТнинг Тараққиёт дастурлари томонидан тадбиркорлик субъектларида риск менежментини такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг ривожланаётган мамлакатлар тадбиркорлик субъектларида риск менежментига оид тадқиқотлари хulosаларига кўра, ушбу механизм яхши йўлга қўйилган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари ривожланиши даражаси анча юқорилиги асосланган. Шу боисдан, ҳозирги жадал ислоҳотлар даврида тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини такомиллаштириш қаратилган тадқиқотлар олиб бориши долзарбидир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини рағбатлантириш, янги самарали восита ва усуllibаридан фойдаланиш асосида

¹ World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_overview_ru.pdf

иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиш сифатида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш”² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифалар тадбиркорлик субъектларининг халқаро шартномалари доирасида юзага келадиган рискларни олдини олиш, рискларни бошқаришда “корпоратив бошқарув”, “сифат менежменти тизими” ва “риск-менежмент” тизимларини интеграциялаштириш, кредиторлик рискини бошқаришда суғурта полисларидан мақсадли фойдаланиш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорларнинг молиявий хавфсизликни таъминлашдаги ўрнини кучайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақазо қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 5 майдаги ПФ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон “Коронавирус пандемияси и аҳолиг ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-№60-сон фармони “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи-олимлар ва амалиётчилар томонидан кенг ўрганилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектларида риск менежменти ва иқтисодий ўсишни бошқариш билан боғлиқ илмий ишлар қатор чет эллик олимлар: И.Ансофф, Дж.Стиглер, В.М.Гальперина, С.Коллинз, А.Маршалл, К.Николас, Т.Шульц³ ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

МДҲ мамлакатлари олимлари: В.Абчук, Ю.Ребрин, И.Павлюченко, А.Болаев, А.Новиков, Б.Рубцовлар⁴ илмий асарларида субъектларида риск

³ Ансофф И. Стратегический менеджмент. Классическое издание = Strategic Management. — Питер, 2009.132-169с., Стиглер Дж. Дж. Теория олигополии // Вехи экономической мысли. Том 2. Теория фирмы / Под ред. В. М. Гальперина — СПб.: Экономическая школа, 2000. — С. 371—401 — 534с. С.Коллинз The Practice of Management (1954). Русскоязычное издание: Практика менеджмента. — М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2015. — 416 с. Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер. с англ. — М.:Издательская группа "Прогресс", 1993. — 23 л. К.Николас A Model of Economic Growth // The Economic Journal, Vol. 67, No. 268 (Dec., 1957), pp. 591—624. Schultz T.W. Origins of Increasing Returns, Cambridge, Massachusetts, Blackwell Publishers, 1993.

⁴ Абчук В.А. Менеджмент: учебник. – СПб.: Издательство «Союз», 2002. – 463 с. – (Серия «Высшая школа»). Ребрин Ю.И. Основы экономики и управления производством: Конспект лекций. Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2000. 145 с., Павлюченко В.Ф. Управление эффективностью экономических процессов/ В.И.Повлюченко – М.:Мысль, 1986,-352 с., Болаев А.В. Привлечение прямых иностранных инвестиций как фактор внедрения зарубежных технологий в стране-реципиенте в условиях экономической глобализации (рус.) // Управление экономическими системами: электронный научный журнал: Журнал. – 2014. – Апрель (№ 64). – ISSN 1999-4516., Новиков А.В. Фондовый рынок как механизм привлечения инвестиций. -Н.: 2000. 346с., Рубцов Б.Б. Мировые финансовые рынки: современное состояние и закономерности развития. -М.: Финансовая академия. 2007. 30с.

менежменти ва уларни баҳолаш, уларни бошқариш самарадорлигини ошириш, хорижий инвестиция фаолияти билан боғлиқ муносабатларнинг иқтисодий ва хуқуқий асослари ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан: академиклар М.Шарифхўжаев, М.Турсунхожаев, М.Икрамов, И.Искандаров, С.Ғуломов, и.ф.д. профессорлар Ш.Зайнутдинов, Р.Нуримбетов, Н.Йўлдошев, В.Набоков, Ш.Шодмонов, А.Вахабов, Ш.Ташматов, Н.Хайдаровларнинг⁵ илмий изланишларида тадбиркорлик шакллари ривожланишининг умумий қонуниятлари, шу жумладан менежмент тизими самарали воситаларида тадбиркорлик тараққиётининг назарий-амалий муаммолари атрофлича ўрганилган. Аммо илмий ёндашувлар ва назарий изланишларнинг турлича бўлишига қарамай, тадбиркорлик субъектларида риск-менежменти тизимини такомиллаштириш масалаларига доир комплекс изланишлар мавжуд эмас.

Айтиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектлари тараққиёти ўзининг ҳал қилинмаган муаммоларига эга. Жумладан, бу риск менежменти жараёни кенг қамровли, яхлит равишда ўрганилмаган. Шу муносабат билан ушбу муаммони тадқиқ этиш тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиши мухим илмий-амалий масалалардан ҳисобланади.

⁵Шарифхўжаев М. Менежмент. Дарслик. Т.:Ғафур Ғулом номидаги НМИУ.2002.454б.; Турсунходжаев М. Производственный менежмент. Т.: Иқтисодий-молия.2006.224 с. Зайнутдинов Ш. Шермуҳамедов А. Менежмент назарияси .Дарслик. Т.:Иқтисодчи.2014.270 б(29-боб Менежмент самарадорлиги.241-248б) Икрамов М.А. Ходжаева М.Я. Менежмент:словарь-справочник.Т.:ТАДИ.2007,387 с. Хошимова Н.А. Инвестиционный потенциал. Т.:2014.320 с.(глава IV.Анализ эффективности функционирования механизма формирования инвестиционного потенциала). Ғуламов С.С. Менежмент ва бизнес асослари. Т.: “Мехнат”нашриёти.1997.351 б.(II-IV.VII ,боблар) Нуримбетов Р.И Менежмент: амалий машқлар. Т.:Ben-policraf.2007.188с. Йўлдошев Н. Менежмент. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2019. – 453б.; Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси.Дарслик. Т.:ТДИУ, 2013.-433б.; Шодмонов Ш ва бошқалар. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таяминлашнинг назарий-услубий асослари. Монография ТДИУ,2010,256 б.; Tadbirkorlik risklarini boshqarish asoslari:o'quv qo'llanma/ A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Xaydarov, A.V.Vaxabov.- Toshkent:Baktria Press.2013.198b.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Андижон Давлат университетининг ЙН-2018 – “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тадбиркорлик тараққиёти асослари ва кафолатларини таъминлашнинг илмий асослари” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар грант лойиҳаси (2015-2018) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - тадбиркорлик субъектларида риск менежментини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Кўйилган мақсадга эришиш учун қўйидаги **тадқиқот вазифалари** амалга оширилган:

тадбиркорлик фаолиятида риск менежменти тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини ёритиш;

тадбиркорлик тузилмаларида риск менежменти тизимини ташкил этишдаги ўзгаришларнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиётини илмий асослаш;

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш ҳолати ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ва уларда рискларни бошқариш жараёнларига омиллар таъсирини баҳолаш;

тадбиркорлик субъектларида рискларни бошқариш тизими асосида инновацион ва инвестицион фаолият самарадорлигини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектларида рақобатбардошликтини бошқариш стратегиясини илмий асослаш;

риск менежментини тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш йўлларини тадқиқ этиш;

ижтимоий-иқтисодий тизимларда риск менежменти асосида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш механизмларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Андижон вилояти тадбиркорлик субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизими жараёнида вужудга келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил, синтез, кузатиш, гурухлаш, тизимли фикрлаш, абстракт-мантиқий, иқтисодий-математик, прогнозлаш ҳамда муаллифнинг тадбиркорлик субъектларида таваккалчилик менежменти тизими шаклланишида интеграцион ёндашув усули, SWOT-таҳлил каби маҳсус тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

Диссертация ишининг илмий янгиликлари қўйидагилардан иборат:

кредиторлик рискини бошқаришда тадбиркорлик субъектларининг банкдан олинган кредитлари бўйича таъминотида суғурта полислари жами таъминотнинг 30 фоиздан оширмасликнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юзага келадиган молиявий рискларни бошқаришда юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси”ни ташкил этиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларининг халқаро шартномалари доирасида юзага келадиган рискларни олдини олишда Савдо-саноат палатаси таркибида “Халқаро рискларни баҳолаш ва бошқариш” бўлимини ташкил этиш таклиф этилган;

рискларни бошқариш тизимида интеграциялаштириш ва автоматлаштириш жараёнларининг қарздорлик ва йўқотишларга таъсирининг 2026 йилга бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуидагилардан иборат:

кредиторлик рискини бошқаришда тадбиркорлик субъектларининг банкдан олинган кредитлари бўйича таъминотида суғурта полислари жами таъминотнинг 30 фоиздан оширмасликнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юзага келадиган молиявий рискларни бошқаришда юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Ёш тадбиркорларни қўллаб-куватлаш жамғармаси”ни ташкил этиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларининг халқаро шартномалари доирасида юзага келадиган рискларни олдини олишда Савдо-саноат палатаси таркибида “Халқаро рискларни баҳолаш ва бошқариш” бўлимини ташкил этиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларининг халқаро шартномалари доирасида юзага келадиган рискларни олдини олишда Савдо-саноат палатаси таркибида “Халқаро рискларни баҳолаш ва бошқариш” бўлимини ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, мамлакатда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг, Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг тадбиркорлик субъектлари тараққиёти жараёнида риск менежментини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг тадбиркорлик субъектларида риск менежментини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларида башкариш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларида иқтисодий ўсишга қаратилган башкарув қарорларини ишлаб чиқишида, шунингдек, “Менежмент”, “Тадбиркорлик асослари” “Тадбиркорлик таваккалчиликларини башкариш” фанлари бўйича кейс-стадилар, маъruzалар матни, ўқув қўлланмаларини тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектларида риск менежментини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кредиторлик рискини башкаришда тадбиркорлик субъектларининг банқдан олинган кредитлари бўйича таъминотида суғурта полислари жами таъминотнинг 30 фоиздан оширмаслик таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитасининг 2021 йил 5 февралдаги 4/325-сон қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат

палатасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 11/05-15-1440-сон маълумотномаси). Натижада тадбиркорларнинг 67,1 млрд. сўмлик кредитларининг 18,1 млрд. сўмлик кредитлари суғурта полислари билан таъминланган;

тадбиркорлик субъектларининг ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юзага келадиган молиявий рискларни бошқаришда юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Ёш тадбиркорларни кўллаб-куватлаш жамғармаси”ни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5088-сон “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 11/05-15-1440-сон маълумотномаси). Натижада жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектларининг 86,4 млн. долларлик маҳсулотлари экспорт қилинган;

тадбиркорлик субъектларининг халқаро шартномалари доирасида юзага келадиган рискларни олдини олишда Савдо-саноат палатаси таркибида “Халқаро рискларни баҳолаш ва бошқариш” бўлимини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 11/05-15-1440-сон маълумотномаси). Натижада 27 та тадбиркорлик субъектининг халқаро шартномалар доирасида 12,7 млрд. сўмлик маблағларини йўқотишлари олди олинган;

рискларни бошқариш тизимида интеграциялаштириш ва автоматлаштириш жараёнларининг қарздорлик ва йўқотишларга таъсирининг 2026 йилга бўлган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-

саноат палатаси ижроия қўмитасининг 2021 йил 5 февралдаги 4/325-сон қарори билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 11/05-15-1440-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2026 йилгача 634,2 млрд. сўмлик маҳсулотлари бўйича юзага келадиган рисклардан қарздорлик ҳосил бўлмаслик прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирадиган жами 13 та илмий иш, шу жумладан, ОАҚ эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялар тўпламларида 6 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

I-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тадбиркорлик фаолиятида риск менежменти тизимининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари

Бозор рақобати шароитида ривожланиш даражаси ва тараққиёт босқичидан қатъий-назар ҳар қандай мамлакат хўжалик юритувчи субъектлари ва айниқса, давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастакларига муҳтож тадбиркорлик тузилмалари фаолияти учун турли хилдаги рисклар тазъиғи хос бўлиб, улар рақобатбардошлигини таъминлаш рискларни олдиндан аниқлаш ва самарали бошқариш заруриятини белгилади. Албатта, ушбу зарурият, бир томондан, тадбиркорлик тузилмалари раҳбарлари олдига амалдаги қонунчилик ва Хукумат қарорларида тадбиркорлик тараққиётини рағбатлантиришга оид барча самарали усул ва воситаларнинг тўлиқ, самарали ижросини таъминлашга оид жиҳатларни муттасил кузатиб боришни, иккинчи томондан эса, фаолиятга оид рискларни кўра билиш ва улар таъсирини минималлаштириш чораларини кўришни талаб этади. Ушбу вазифани ижобий ҳал эта олган тадбиркорлик тузилмаси нафақат яшаб қолиш, балки рақобатбардошликни ҳам таъминлашга эришса, мазкур вазифани ҳал эта олмаганлари эса таназзулга учраши табиий ҳол.

Иктиносидий адабиётда тадбиркорлик тараққиётида рискларни бошқаришнинг назарий жиҳатларига оид илк қарашлар В.Парето, П. Самуэльсон, Дж.Кейнс, П.Хайнелар⁶ томонидан амалга оширилган тадқиқотларда мавжуд.

Тадбиркорликнинг ҳозирги замон хўжалик юритиши тизимидағи базавий жараён сифатидаги белгиловчи ролини тадқиқ этишга Арнаут М.Н., Голубятникова Ю.Ю., де Токвиль А., Кирцнер И., Костромин В.И., Кримпли

⁶ Самуэльсон П. Экономика 1-й том. 7-изд. М.: Новая эра, 2012.-512с. ; Самуэльсон П. Экономика 2-й том. 7-изд. М.: Новая эра, 2012.; Хейне П. Экономический образ мышления. 5-изд. М.: Научное наследие, 2013. - 543с..

М., Лавренчук Е.Н., Обухов А.А., Скотт Б., Смит А., Харламова Т.Л., Хорват П., Шумпетер Й. ва бошқаларнинг хизматлари салмоқли бўлган.

Тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларига рисклар таъсирининг ва корхона рақобатбардошлигига янги таҳдидларнинг таҳлили масалалари Бадалов А.Г., Бек У., Воробьев С.Н., Долгодуш А.И., Елисеев М.А., Зубов Л.В., Иод Е.В., Лю Ч., Найт Ф.Х., Покровский А.М., Фалин Г.И., Швец С.К., Юлдашев Р.Т. каби муаллифларнинг ишларида мавжуд.

Тадбиркорлик рискларини бошқариш жараёнини такомиллаштириш механизmlари ва самарали воситалари тадқиқига Балдин К.В., Безденежный В.М., Бернстайн П., Брега Г.В., Волкова М.В., Забирова Л.М., Зарипов Р.Я., Костин Р.С., Маҳиянова М.А., Некрылова Н.В. ва бошқаларнинг ишлари бағишиланган.

Тадбиркорлик шакллари ривожланишининг умумий қонуниятлари, шу жумладан улар фаолиятидаги рисклар тадқиқи Ўзбекистон иқтисодчи-олимлари Йўлдошев Қ.Х., Муфтайдинов Қ.Х⁷., Вахабов А.В.⁸, Ташматов Ш.А., Хайдаров Н.Х., Вахабов А.В., Ўлмасов А.Ү., Таджибаева Д.А. томонидан амалга оширилган. Уларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва самарали бошқариш, улар фаолиятидаги рискларни аниқлаш ва таснифлашнинг мухим жиҳатлари ёритилган. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ҳозирги шиддатли ислоҳотларга хос тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимининг минтақавий хусусиятлари, унинг давлат инновацион-инвестицион ривожланиш дастурларидан келиб чиқувчи вазифалари билан боғлиқ жиҳатларига оид, тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимининг ўрта ва узоқ истиқболдаги вазифаларига оид илмий изланишлар етарли даражада амалга оширилмаган.

⁷ Муфтайдинов Қ.Х. Қ.Йўлдошев, Ш.Маматкулов Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма 2002йил 126 б

⁸ Tadbirkorlik risklarini boshqarish asoslari:o'quv qo'llanma/ A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Xaydarov, A.V.Vaxabov.- Toshkent:Baktria Press.2013.198b.

Хозирда “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш” масаласи Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси⁹ нинг 29-мақсади 126-132-бандларида муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифалар тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини такомиллаштиришга оид илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиша мухим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини такомиллаштириш йўналишларини ўрганиш ҳозирги замон фанининг янги ва мураккаб тадқиқ предмети сифатида намоён бўлмоқда.

Шу боис диссертацион тадқиқотимиз биринчи боби айнан тадбиркорлик фаолиятида риск менежментини ташкил этишининг илмий-назарий асосларини ёритишга бағишлиланади.

Ушбу мақсадда ишнинг мазкур қисмида қўйидаги масалалар кўриб чиқлади:

-Тадбиркорлик фаолиятида риск менежменти тизимининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва хусусиятлари;

-ҳозирги замон тадбиркорлик тизимида таваккалчиликларни бошқариш функциясининг тараққиёти;

- тадбиркорлик тузилмаларида риск менежменти тизимини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўзгаришларнинг назарий-услубий жиҳатлари;

-рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти.

Тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш жамият тараққиётининг ўта аҳамиятли ва шу сабабли иқтисодиёт илмининг энг долзарб ва ҳакли равища

⁹ Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Таракқиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси – www.lex.uz

кўп тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган биринчи даражали муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги замон тадбиркорлик тизимида таваккалчиликларни бошқариш функциясининг тараққиёти мазмунини ёритиш учун изланишда маълум мантиқий кетма-кетликка риоя этишни лозим топдик: дастлаб тадбиркорлик фаолияти ва бизнес тушунчаларининг моҳияти илмий изоҳланади, сўнг амалдаги қонунчилик доирасида мамлакатимизда мавжуд тадбиркорлик тузилмалари фаолияти хусусиятлари очиб берилади ва ниҳоят тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида юзага келувчи рискларнинг назарий талқини ва иқтисодий тизимлаштириш қоидаларига асосланиб уларни бошқариш жараёни тушунчаси зарурий элементларининг илмий-методологик шарҳи берилади, тадбиркорлик фаолиятида рискларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунига муаллифнинг янгича ёндошуви асослаб берилади.

Иқтисодий лугат ва турли тавсиявий қўлланмаларда “бизнес” тушунчаси (ингл. Business – иш, фаолият, корхона)нинг мазмуни “фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти” деб талқин қилинаётир¹⁰.

“Бизнес” ва “тадбиркорлик” бир бири билан диалектик боғлик, тушунчалардир. Бизнес маълум бир фаолият билан шуғулланиш, ўша фаолиятни ўзининг кундалик ҳаёт ва ҳаракат тарзига айлантириб олиш, у билан доимо шуғулланишдир. Бизнес ўзидағи иқтисодий, молиявий, моддий, табиий, маънавий, интелектуал имкониятлари, қобилиятлари, шароитларини ишга солиш орқали натижалар олишдир, кўпроқ самара олишга интилишдир, бошқалардан дурустрок, самара олишдир, ўз устунлигини “кўз-кўз” қилиш ҳамдир. Хуллас, бизнес фаоллик ва юқори иқтисодий-ижтимоий самараларга эришиб, фаровон ҳаёт тарзининг асосларини бунёд этишдир.

Тадбиркорлик бизнес фаолиятининг намоён бўлишидир. Бироқ, бизнес юқорида айтилганидек, кенгроқ тушунча, унинг жабҳаси, “жўғрофияси” кенгдир. Тадбиркорлик кўпроқ соф иқтисодий фаолиятдир, кишилар,

¹⁰ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 8-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2018. - 635 с.

хўжалик субъектларининг ўзларидаги моддий ва пул ресурсларини хўжалик юритишга сафарбар этиб даромад топиш, аникроқ қилиб айтилса, кўпроқ самара олишдир, самарадорликка эришишдир. Агар бизнесни кенг маънода пул топиш ва пулни кўпайтириш деб таърифланса, тадбиркорлик эса яратувчанлик билан, иқтисодий фаолият орқали даромад топиш ва уни кўпайтиришдир.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳозирги замон руҳида тушуниш унинг классик талқинидан фарқ қиласди, бироқ бунда унинг туб моҳияти сақлаб қолинади. Ҳозирги замон илмий адабиётида тадбиркорлик намоён бўлиши ва ифодаланиши турли, айниқса – ишлаб чиқариш, инновацион тараққиёт, рақобатбардошлик кабилар нуқтаи-назаридан талқинларининг таҳлили натижасида шуни тан олиш керакки, бугунги кунда мазкур тушунчага барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган таърифни топиш қийин.

Шу боисдан мазкур диссертацион тадқиқотимиздаги ҳар қандай масалага биз тадбиркорликни “иқтисодий-ижтимоий фаолиятнинг истеъмолчиларнинг тўловга қобил талабларини қондиришга қаратилган ҳамда тараққиётни инновацияларни кенг жорий этиш ва информацион технологиялар имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига рағбатлантирадиган маҳсус тури” сифатида тушунишдан келиб чиқиб ёндошамиз.

Бундай ёндошув ҳам тадбиркорлик тузилмасининг ҳам уни намойиш этаётган бозор ҳаёт циклининг турли босқичларидаги фаолият билан боғлиқ таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик даромадини олишга имкон беради.

Классик иқтисодий мактаб базасидан кейинчалик унинг ғоя ва ишланмаларидан кенг фойдаланган янги илмий йўналиш вакиллари ажralиб чиқиши. Жумладан, иқтисодий нафлийк австрия мактаби (Ф. фон хайек, Л.Мизес, И.Кирцнер) назариялари доирасида тадбиркорларнинг мавхумлик ва мувозанатни таъминлаш имкониятларининг йўқлиги омиллари билан

хусусиятланувчи бозор шароитидаги иш фаолияти таҳлили амалга оширилди¹¹.

Мавхумлик ва мувозанатни таъминлаш имкониятларининг йўқлиги - риск юзага келишининг асоси эканлигини инобатга олсак, шуни таъкидлаш мумкинки, бозор муҳитида тадбиркорлик фаолияти ҳаёт циклининг катта қисмини рискларнинг доимийлиги ташкил қиласида ва уларнинг айрим турлари бошқалари ўрнига келади ёки амал қилишда давом этади.

Тадбиркорлик фаолиятига рисклар таъсирини тадқиқ этишдаги муҳим босқич – “тадбиркор доимо йўлиқаётган ва у билан бирга яшаётган рискни янги ечимлар ва янги имкониятлар очилишининг манбай сифатида қараш зарурлигини англаб етиш” ҳисобланади.

Й.Шумпетер тадқиқотларида таъкидланишича, рискларда “махсус иқтисодий ресурс” сифатида кўрилувчи тадбиркорда махсус қобилиятнинг шаклланишига имкон берувчи яратувчанлик (новаторлик) ғояси юзага келиши жараёни мужассамдир. Айнан мана шу нарса Й.Шумпетерга тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсадини ифодалаш имконини берди: “тадбиркорлик фаолияти - жамият иқтисодий тараққиётининг асоси сифатида янгиликларни яратиш ва қўллашдан иборат¹² .

Бу шуни намойиш этадики, риск ушбу ҳолатда позитив рол ўйнайди. Й.Шумпетернинг бундай ёндошувини нафақат унинг кўплаб замондошлари, балки шу билан бирга уларнинг издошлари ҳам маъқулладилар. Бунинг ёрқин мисоли сифатида америкалик профессор Р.Хизричнинг ёндошувини келтириш мумкинки, унинг таъкидлашича, тадбиркорлик - бу “бирор янги нарсанинг яратилиши жараёнидир ва у маълум қийматга эга, тадбиркор эса – бунга барча зарур вақти ва кучини сарфлайдиган, ўз зиммасига бутун

¹¹ Кирцнер И. Конкуренция и предпринимательство. – М.: Социум, 2010.–151-б.

¹² Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. –94-б.

молиявий, психологик ва ижтимоий рискларни оладиган ва унинг мукофотига пул ва эришганидан қониқишни оладиган кишидир”¹³.

Мазкур асосда кейинчалик кўпроқ аниқ амалий аҳамиятга эга бўлган ва риск шароитида тадбиркорлик тузилмалари ишлашлари учун бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши билан бевосита боғлиқ бўлган илмий йўналиш шакллана бошлади.

Бу нарса, айниқса, тадбиркорлик мухити, давлат протекционизми ва тартибга солиш механизмлари, глобаллашув ва интеграция, иқтисодий ҳавфсизлик ва бошқа масалаларга тааллуклидир¹⁴.

Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шарт-шароитлари ва рискларни аниқлаш комплекс тарзда икки вазифани ҳал этишга имкон беради:

- 1) Рисклар негатив таъсирини минималлаштириш;
- 2) Юзага келаётган рисклардан муқобил ечимни ва янги имкониятларни қидириб топиш учун асос сифатида фойдаланиш.

Мазмун-моҳиятига кўра бу нарса тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни тадқиқ этишни институционал назариянинг асосий ғоялари билан бирлаштиради, ваҳоланки, бу жараён кўрсатиб ўтилган вазифани ҳал этишни таъминлайдиган тегишли институтларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш орқали кўрсатилган вазифани ҳал этишни зарур қилиб қўяди.

Тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни самарали бошқариш тизимининг мавжудлиги худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига, инвестицияларни молиялаштиришга ва умуман мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашга имкон беради.

Амалдаги қонунчилиқда тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимиға таъриф берилмаган ҳамда тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни аниқлаш тартибининг услубиёти белгиланмаган. Шу билан бирга, иқтисодий

¹³ Багиев Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. – 5-е изд. СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2014. С.123.

¹⁴ Бородушко И.В. Теоретико-методологические и правовые аспекты анализа экономических рисков // Вестник Санкт-Петербургской юридической академии. – 2017. – № 1 (34). С.58.

адабиётда тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимини таърифлашда ягона ёндошув йўқлигини кўришимиз мумкин. Хориж адабиётларида ушбу категория негизида аксарият ҳолларда тадбиркорлик тузилмалари фаолиятида оператив ва стратегик рискменежментининг муҳим баҳоловчи кўрсаткичи тушунилади. Жумладан, Ричард Стоун, Стендли Брайн (Richard Stone & Stendley Brown, 2016) тадқиқотларида қайд этилишича, тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизими мамлакатда амал қилувчи қонунчилик асосида тадбиркорлик фаолияти вакилининг самарали ривожланиши учун зарур бўлган барча ҳимоя ва кафолатлар мажмуидир¹⁵.

Джу Хуан жи (Ju Huang Ji, 2016) тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимини ҳозирги замон шароитида давлат ва тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши деб қараб, бунда тадбиркорлик фаолияти тузилмаларининг молиявий, иқтисодий, инновацион-инвестицион қодирлигининг ўсиб бориши ва давлатнинг тадбиркорлик фаолияти равнақидан кутаётган самараси баланси эътиборда бўлиши лозимлигини таъкидлайди¹⁶.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий адабиётда тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимини назарий асослашда бир неча илмий ёндошувлар мавжуд:

Баъзи муаллифлар томонидан эса “тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизими мамлакатда рискменежмент иқтисодий функциясидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи”¹⁷ сифатида тушунтирилади.

¹⁵ Richard Stone, Stendley brown Effective risk management models for business entities //Public finance. Paris, 2017 year may, 22-28 p.

¹⁶ Ju Huang Ji Risk management system for business entities: from forecast to reality JDI Executive Programs.- 2016. – №. 2016-08.- 34p.

¹⁷ Воробьев С.Н. Урегулирование системы рисков предпринимательских структур: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2017. №22 (220). – с. 190-194; Забирова Л.М. Комплексный подход к процессу защиты рисков предпринимательских структур // Казанская наука. 2018. №3. - с. 114-119.

Бир қанча муаллифлар “тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизимининг моҳиятини тадбиркорлик фаолияти ривожига маъсул давлат органлари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичи”¹⁸ сифатида эътироф этганлар.

Умуман, тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш амалиётiga оид иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишиларида тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида рискларни бошқариш тизими мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда (1-Илова).

Шундай қилиб, ижтимоий-иктисодий тизимлаштириш қоидалари асосида тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимининг **янгича талқинини** беришимиз мумкин: “Тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизими – яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда тадбиркорлик субъектларининг давлат билан ўзаро ҳамкорликда ўсишга эришиш орқали юзага келувчи **риск** менежментини самарали бошқариш воситалари, усувлари ва тадбирлари мажмуидир”.

Тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизимини янгича мазмунда тадқиқ этишини танланган тадқиқотимиз, уни иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида ўрганиш бу жараённи бир вақтнинг ўзида уч даражадаги тизимли муносабат иштирокчилари мақсадли фаолияти йиғиндиси сифатида қарашни талаб этади (1.1-расм).

¹⁸Савинов И.Т. Риски предпринимательских структур: проблемы администрирования и пути минимизации // Региональные проблемы преобразования экономики. 2018. №3 (37). – с.210-213; Некрылова Н.В. Повышение эффективности управления рисками предпринимательских структур на современном этапе. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н.. Владивосток, 2018, с.11.

Тадбиркорлик субъектларида риск менежментининг мустақил тизим сифатидаги тавсифи

Тадбиркорлик субъектларида риск менежментининг мустақил тизим сифатидаги тавсифи

Мақсади – тадбиркорлик субъектлари ривожланиши юзасидан давлат кафолатлари түлиқ ижросини таъминлаш

Моҳияти - яхлит ташкилий-хуқуқий асосларда тадбиркорлик тузилмаларининг давлат билан ўзаро ҳамкорликда

Омиллари
- инфляция, миллӣ валюта курси, энергия манбаларига жаҳон нархларининг ўзгариши,

Тадбиркорлик субъектларида риск менежментини тизимли ташкил этиш мазмуни

Тамойиллари - барча иштирокчилар томонидан риоя этилувчи муҳим талаблар ва шароитлари

Турлари – давлат риск-менежменти, худудий ва тармоқ аҳамиятидаги ривожланиш дастурларида кўзда тутилган химоя тадбирлари, тадбиркорлик тузилмаларида риск-менежмент

Натижә: ривожланиш истикболларининг кафолатланиши ва тадбиркорлик тараққиётидаги таваккалчилларни самарали бошқариш орқали бизнэс юритиш рейтингининг ошиши

1.1-расм. Тадбиркорлик субъектларида риск менежментини тизимли ташкил этиш мазмуни¹⁹

Тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизими самарадорлиги нафақат давлат, иқтисодиёт тармоғи ёки алоҳида худуд миқёсида, балки алоҳида тадбиркорлик тузилмалари фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлганлиги боис уни аниқлаш, ҳисоблаш тартибини ва бу жараёнда фойдаланиладиган аналитик кўрсаткичлар хусусиятларини тадқиқ этиш

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лозим. Ушбу заруриятни инобатга олиб, биз мазкур бобнинг кейинги параграфида тадбиркорлик тузилмаларида риск менежменти тизимини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўзгаришларнинг назарий-услубий жиҳатларини ўрганишгаҳаракат қилдик.

1.2. Тадбиркорлик тузилмаларида риск менежменти тизимини ташкил этишдаги ўзгаришларнинг назарий-услубий жиҳатлари

Диссертацион тадқиқотимиз олдинги параграфида кўрсатиб ўтилганидек, тадбиркорлик фаолиятининг мавжудлигининг ва тараққиётининг муҳим, базавий шартларидан бири рискнинг мавжудлигидир. Рисклар тадбиркорлик фаолиятини улар ҳаёт циклининг барча босқичлари давомида – тадбиркорлик субъектларида рискнинг вужудга келишидан то унинг тугатилишига қадар бирга бўлади. Бунда тадбиркорлик фаолиятида улар кўпроқ қандай рол ўйнашларини – ижобийми ёки салбийми, айтиш жуда мураккаб.

Бозор иқтисодиётининг назарий постулатларига асосланган ҳолда биз, сўзсиз тарзда, риск ва рақобат кураши тадбиркорлик фаолияти мавжудлиги ва тараққиётининг муҳим шартлари ҳисобланишига қўшилишамиз. Ўз навбатида, рисклар тадбиркорлик фаолиятида ҳамда алоҳида олинган тадбиркорлик тузилмаси даражасида унинг тараққиёти жараёнини рағбатлантирган ҳолда кўпроқ ижобий рол ўйнайди. Тадбиркорлик фаолияти амалиётида рискларнинг кўплаб миқдори учрайди. Умумқабул қилинган ёндошув доирасида риск турларини таснифлашда унинг қуидаги турлари ажратиб кўрсатилади: ташқи, ички, молиявий, ишлаб чиқариш, тижорий, стратегик, бошқарув, кадрларга хос, хукуқий, лойиҳавий, инвестицион, логистик, имиджга хос, репутацияга оид, экологик ва бошқалар.

Тадбиркорлик муаммоларига бағишлиланган иқтисодий адабиётда ҳозирча тадбиркорлик рискларининг тизимли таснифи яратилмаган. Бу рискларни таснифлаш учун, фикримизча, биринчи навбатда рискларни муайян

гурухларга ажратиш имконини берадиган асосий белгиларини аниқлаб олиш зарур.

Бинобарин, рискларни қуйидагича таснифлаш мүмкін: вужудга келиш соҳасига кўра; вақтга нисбатан давомийлигига кўра; рисклилик даражасига кўра; оқибатларининг хусусиятларига кўра.

Вужудга келиш соҳасига кўра тадбиркорлик рискларини ички ва ташқи турларга ажратиш мүмкін. Ташқи рискларнинг вужудга келиш манбалари бўлиб тадбиркорга нисбатан ташқаридаги муҳит ҳисобланади. Тадбиркор уларга таъсир кўрсата олмайди, тадбиркор уларни фақат олдиндан таҳмин қилиши ва ўз фаолиятида ҳисобга олиши мүмкін.

Ички рискларнинг манбаи тадбиркорлик фаолиятининг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлади. Бундай рисклар самарасиз менеджмент, хатокор маркетинг сиёсати, шунингдек ички суистеъмоллар сабабли келиб чиқади. Ички рисклар ичida энг асосийси кадрларга оид риск бўлиб, у корхона ходимларининг касб даражаси ва характер хусусиятлари билан боғлиқдир.

Вақтга нисбатан давомийлигига кўра тадбиркорлик рискларини қисқа муддатли рискларга ва доимий рискларга ажратиш мүмкін. Қисқа муддатли рисклар қаторига тадбиргаор учун муайян ва чекланган давр ичida туғиладиган хавф-ғатарларни киритилади. Масалан, юкни ташиш вақтида юзага келиши эҳтимол тутиладиган транспорт риски ёки муаяйн битим бўйича тўловни амалга оширламаслик риски шулар жумласидан.

Доимий рискларга тадбиркорлик фаолиятига мазкур жуғрофий минтақада, ёки иқтисодиётнинг муайян тармоғида бетиним равишида риск солиб турадиган хавф-рисклар киритилади. Масалан ҳуқуқий тизими мукаммал бўлмаган мамлакатда тўловни амалга оширилмай қолиш риски ёки юқори даражадаги сейсмик рискли ҳудудда биноларнинг вайрон бўлиш эҳтимоли риски шулар жумласидан.

Рисклилик даражасини йўқотишларнинг содир бўлиши эҳтимоли ва этказилиши эҳтимол тутилган заарнинг математик башорати деб изоҳлаш мүмкін. Рисклилик даражаси кутилган йўқотишлар миқёсининг тадбиркор

мол-мулкининг ҳажмига нисбатига, шунингдек ана шу йўқотишларнинг вужудга келиш эҳтимоллик даражасига боғлиқ ҳисобланади.

Даражасига кўра рисклар қўйидаги турларга бўлинади:

-Йўл қўйиладиган риск, бунда режалаштирилган лойиҳани амалга ошириш чоғида фойдани тўлиқ йўқотиш риски юзага келади;

-Танг аҳволга тушириб қўювчи риск, бунда олиниши кутилаётган фойдагина эмас, балки даромаднинг ҳам йўқотилиши ва заарнинг вужудга келиши мумкин бўлиб қолади;

-Халокатли риск, бунда капиталнинг, мол-мулкнинг йўқотилиши ва тадбиркорнинг банкрот бўлиши муқаррар бўлиб қолади.

Оқибатларининг хусусиятларига кўра рисклар иккита катта гурухга ажратилади: статик рисклар (оддий, ёки соф риск) ва динамик (алдамчи риск). Статик рискларнинг ўзига хослиги шундаки, бу рисклар ҳамиша тадбиркорлик фаолияти учун йўқотишларни келтириб чиқаради. Бу ҳолда корхонанинг кўрган заарлари, одатда, бутун жамият учун йўқотиш сифатида ҳам юз кўрсатади.

Статик рисклар вужудга келиш сабабларига кўра қўйидаги гурухларга бўлинади:

-Табиий оғатлар (ёнғинлар, сув тошқинлари, зилзилалар, тўфонлар ва х.к.) чоғидаги ҳатти-ҳаракатлар оқибатидаги йўқотишлар;

-Учинчи шахслар ва ходимларнинг жинояткорона ҳатти-ҳаракатлари оқибатидаги йўқотишлар;

-Корхона учун номақбул қонунчиликнинг қабул қилиниши оқибатидаги йўқотишлар, масалан, мулкнинг тўғридан тўғри олиб қўйилиши, ёки қонунчиликнинг номукамаллиги сабабли, айбор шахсдан зарарни ундириб олиш имконияти мавжуд эмаслиги;

-Учинчи шахсларнинг мулкка тажовуз қилиши натижасидаги йўқотиш, чунки бу асосий таъминотчининг ёки истеъмолчининг фаолияти мажбуран тўхталишига олиб келади;

-Фирмани юритувчи ходимларнинг ёки асосий мулкдорнинг ўлими ёки муомалага лаёқатсизлиги, бу эса малакали мутахасисларни топиш қийинчилиги ва мулкни бошқага ўтказиш муаммолари билан боғлиқлиги.

Риск-менежмент соҳасидаги тактик бошқарув вазифалари, энг аввало, аниқ юзага келаётган рискларни (“шу ерда ва ҳозир”) нейтраллаштиришга ёки уларни минималлаштиришга қаратилган. Мазкур тадбирлар доирасида алоҳида бозор, тадбиркорлик тузилмаси ёки ҳатто алоҳида риск тури учун аниқ методлар, усуллар ва воситалар рўйхати ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бироқ, ушбу таъкидланган фикрлар барча ишлаб чиқилган бошқарув қарорларининг мутлақо тўғри бўлишини англатмайди. Лекин, ушбу қарорлар аслида олдиндан аниқ бўлган машҳур алгоритмларга таянади, алоҳида вазиятдан келиб чиқади, вазиятнинг табиати қандайлигини (иқтисодийми ёки ноиқтисодийми) инобатга олади, юзага келаётган рискнинг хусусияти тадбиркорлик субъектига нисбатан ичкими ёки ташқими эканлигини ҳисобга олиб қабул қилинади. Мазкур қарорларнинг самарадорлиги рискнинг аниқ тадбиркорлик тузилмасига таъсирини камайтириш даражаси билан аниқланади ва бу масалада энг самаралиси риск таъсирининг бартараф этилиши ҳисобланади.

Маълумки, глобаллашув жараёнида рискларни бошқариш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланувчи маҳсус хизмат лавозимлари (мутахассисликлари) доираси кенгаймокда. Улар таркибига ҳозирги кунда қуидагиларни киритиш мумкин: риск-менеджерлари; молиявий менежерлар; аквизитор-ишончли агентлар; актуарийлар - суғурта фаолиятида риск даражасининг статистик ҳисобини юритувчи мутахассислар; андеррайтерлар – суғурта рискларини таҳлил қилувчи ва баҳоловчи шахслар ва бошқалар²⁰.

Тадбиркорлик рисклари шаклланишига қўплаб жараёнлар, шу жумладан турли хўжалик субъектлари хулқини белгиловчи омиллар бевосита

²⁰ Голубятникова Ю.Ю. Хозяйственные риски в предпринимательской деятельности: монография. – Воронеж: ООО “Издательство РИТМ”, 2017. с.41.

таъсир кўрсатади. Мазкур ҳолатни схематик тарзда омилли таҳлил доирасида янада аниқлаштириш мумкин (1.2-расм).

Мазкур расмда ифодаланган схема икки мақсадни кўзда тутади. Бир томондан – бу, турли рисклар юзага келиши жараёнини таҳлил қилишга тизимли ёндошувни акс эттиrsa, бошқа томондан эса – шуни таъкидлайдики, ҳар қайси аниқ ҳолатда рисклар тадбиркорлик тузилмаларига нисбатан ҳам ички ёки ташқи, юқори ёки паст даражада бошқариувчи сифатида майдонга чиқиши мумкин. Бу билан, рискларни бошқариш юзасидан вазифаларнинг табақалашуви ва бунинг натижасида – бирмунча сезиларли натижага эришилади.

Тадбиркорлик муҳити амал қилишининг таркиби ва хусусияти мураккаблашуви билан **тадбиркорлик фаолияти рискнинг бошқариш функциясини тақомиллаштириш** унинг қуидаги таркибий қисмларини уйғунлаштириш ва самарали мувофиқлаштиришни талаб этади:

1. Ташкилотчилик - ўсиб бораётган риск шароитида самарали ишлашга тайёр бўлган ходимларни бирлаштириш ва уларнинг командаси(доимий ёки вақтинчалик)ни яратиш қобилияти.
2. Таҳминлаштириш - биринчи навбатда, янги рисклар юзага келишига ёки мавжуд рискларнинг модификациясига олиб келувчи ҳолатларни кўра билишлик қобилияти. Мазкур функция айниқса мавжуд рискларни камайтириш ёки амал қилаётган рискларни бартараф этишга имкон берувчи бошқарув вазиятлари ва ҳолатларини таҳлил қилишда ҳамда тадбиркорлик тузилмаси ривожи учун янги имкониятларни қидириб топишда ўта муҳимдир.

Умумий хусусиятдаги омиллар:

- Табиий-иклими;
- Иқтисодий;
- Сиёсий;
- Техноген;
- Ижтимоий;
- Илмий-техникавий;
- Хуқуқий

Умумиқтисодий хусусиятдаги:

- Макроиқтисодий барқарорлик;
- Иқтисодий ўсиш;
- Иқтисодий ҳавфсизлик;
- Циклга карши тартибга солиш;
- Тадбиркорлик фаолиятини мөйөрий-хуқуқий тартибга солиш

Тадбиркорлик хусусиятидаги омиллар:

- Ишлаб чиқариш;
- Савдо;
- Логистик;
- Информацион;
- Маркетингга оид;
- Ракобатта оид;

Хулқий омиллар:

- Манфаатлар;
- Сабаблар;
- Рагбатлар;
- Инсон капитали билан боғлиқ омиллар;
- Ходимларни бошқариш билан боғлиқ омиллар

Молиявий натижани шакллантирувчи омиллар:

- Инвестицион;
- “Кредит;
- Банк;
- Миллий валюта барқарорлиги билан боғлиқ

1.2.-расм. Риск омиллари ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти натижалари шаклланишига таъсири нинг концептуал схемаси

*Муаллиф ишланмаси

3. Барқарорликни таъминлаш – тадбиркорлик тузилмасининг рискка самарали қарши турған олишлик имкониятларини таъминлаш мақсадида бошқарув объекти бўлмиш рискка таъсир кўрсатиш қобилияти.
4. Координация – тадбиркорлик тузилмаси ичида ва зарур бўлган шароитларда эса рискка қарши курашища ташки тадбиркорлик муҳитида

ҳам (агар ушбу ҳолат миллий, жумладан монополияга қарши қонунчиликка зид бўлмаса) барча таркибий бўлинмалар фаолиятининг юқори даражадаги мувофиқлигини таъминлаш қобилияти.

5. Назорат – риск-менежмент фаолиятининг турли босқичларида жорий фаолият ва олинадиган натижаларни самарали текширишни амалга ошириш қобилияти. Мазкур функция тасдиқланган, айниқса - тадбиркорлик фаолиятида асосий кўрсаткичларга эришиш соҳасидаги иш режаларини корректировка қилишга имкон беради.

6. Мониторинг – тадбиркорлик тузилмасига нисбатан унинг ичида ва ташқарисида юзага келаётган жараёнларни кузатиш қобилияти бўлиб, бу нарса илк босқичда юзага келаётган таҳдидларни ва янги имкониятларни аниқлаш имконини беради.


7. Рағбатлантириш – риск шароитида риск-менежерлар ва бошқа ходимларнинг ишини фаоллаштириш қобилияти²¹.

Тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни бошқариш функциясидаги мазкур таркибий қисмларнинг ҳар бири юқори даражадаги аҳамиятта эга ва уларни ичида бирмунча устуворини ажратиш имкони йўқ.

Тадбиркорлик рисклари билан боғлиқ таҳдидлар, юқорида белгиланганларидан ташқари, бошқарув қарорларини қабул қилишдаги хатолар ва ноаниқликлар билан, салбий натижани баҳолаш ва рискларни бошқариш учун ваколат ҳамда маъсулиятлар (моддий, маънавий, кадрларга оид ва бошқалар)ни тақсимлаш билан ҳам боғлиқдир. Мумкин бўлган заарлар кўлами ва тадбиркорларнинг бозордаги пешқадамликка фаол интилишлари билан белгиланувчи таҳдидларни нейтраллаштириш рискларга оид замонавий, хақиқий ва тўлиқ маълумотлар массивини олиш, уларни қайта ишлаш ва фойдаланишни талаб этади. Мазкур муаммо, тадбиркорлик фаолитядаги таваккалчиликларни тадқиқ этишдаги ўта муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, рисклар юзага келиш соҳаларини такрор

²¹ Иода Е.В., Измалкова И.В. Риски предпринимательской деятельности: подходы к управлению // Инновационная экономика и право. – 2017. –3(8). –с.28

ишлиб чиқариш жараёнининг босқичларидан келиб чиқиб, унинг миқдорий, сифат ва вақт мезонларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга (1.3-расм).



1.3.-расм. Такрор ишилаб чиқариш жараёнлари доирасида тадбиркорлик рисклари юзага келиши босқичлари (муаллиф ишланмаси)

Ушбу расмдан хулоса шуки, тадбиркорлик рисклари такрор ишилаб чиқаришни ташкил этишнинг барча босқичларида юзага келиши мумкин ва шунинг учун тадбиркорлик тузилмалари раҳбарияти бизнес-режаларини яратиш ва унинг ижросини таъминлашда ушбу рискларнинг мавжудлигини, уларни камайтириш тадбирларини ёки риск менежментнинг самарали усул ва воситаларидан кенг фойдаланишлари лозим.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик тузилмаларида риск менежменти тизими니 ташкил этишда инобатга олиниши лозим бўлган ўзгаришлар куйидагилардан иборат:

1. Мамлакатда тадбиркорлик фаолияти тараққиётини қўллаб-куватлашга оид давлат сиёсатида хусусий мулк улушини қўпайтириш ва

молиявий таъминот, экспорт имкониятларини ошириш учун ҳамда импорт ўрнини босувчи лойиҳаларга устувор аҳамият берилаётганлиги.

2.Ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорлик эркинлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига давлат хизмати кўрсатишнинг соддалаштирилиши, текширишларнинг камайтирилганлиги ва аралашувларнинг бартараф этилганлиги ҳамда доимий назоратга олинганлиги.

3.Тадбиркорлик фаолиятида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш самарали усул ва воситаларининг юзага келганлиги.

4.Инновацион тараққиёт, аҳоли реал даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш орқали турмуш даражасини яхшилаш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва “яшил иқтисодиёт” тараққиётини рағбатлантириш каби йўналишларда давлат дастурлари вазифалари ижросини таъминлаш аҳамиятининг ошганлиги ва ҳ.к.

Мазкур ўзгаришлар ва янги шарт-шароитлар қаторида рақамли иқтисодиётга ўтилиши билан тадбиркорлик тузилмаларининг давлат билан, тегишли молия институтлари қатнашчилари билан, бошқа ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлари фаолиятида юзага келаётган мукаммалаштириш самараларини натижаларини кузатиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан мазкур бобнинг кейинги параграфи айнан рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти масалаларини ўрганишга бағищланган.

1.3. Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиёти

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг хукуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлар, Ўзбекистон

республикаси Президенти Фармони ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Тадбиркорлик фаолияти тараққиётига оид кўрилаётган чоралар иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини, шунингдек ҳудудларни ривожлантиришга, тадбиркорлар сони ва уларнинг улушини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Натижада бугунги кунга келиб, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони 580 мингдан ортиқни ташкил этган ҳолда, кичик бизнес улуши ялпи ички маҳсулот таркибида 56,7 фоизни, аҳоли бандлиги соҳасида эса 77 фоизни ташкил этмоқда²².

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган инвентаризация натижасида бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти 1200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши маълум бўлди. Хусусан, 156 та қонун, давлат раҳбарининг 137 та фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг 280 та қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрир остида тасдиқланган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ, “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир” деб таъриф берилган.

Мазкур қонунга кўра, тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти, унинг турлари ва иштирокчилари қўйидагича белгиланган: кичик тадбиркорлик

²² <https://darakchi.uz/uz/128511>

“Ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий вазифалари//Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари А.Усмановнинг 2015 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясидаги маъруzasи

субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирма ва кичик корхоналар, оилавий корхоналар²³.

Кичик тадбиркорлик субъектлари – якка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналардир

Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир. Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли²⁴. Дархақиқат, “2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди”²⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1112-сонли Қарорига мувофиқ, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун хужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан **30 фоиз ошган** миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолиниши белгиланди.

Кичик бизнесни тармоқ белгиси ва доимий ишловчилар миқдори бўйича аниқлаш мезони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил

²³Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ муаллиф томонидан тузилди.

²⁴ Солиқ кодексининг -18 моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 авгуустдаги ЎРҚ-391 сонли Қонунига мувофиқ ўзгартириш киритилган.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармони “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги” 219-сонли Қарори “Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”.

9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-1987-сонли Фармонига мувофиқ белгиланган бўлиб, 2012 йилдан Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонунида мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур қонунга кўра, кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезони куйидагича белгиланган (1.1-жадвал).

Ушбу ўзгаришлар кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ишчилар сонини ошириш ҳисобига янада кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, илгари кичик корхоналар тоифасига киритилмаган ва йирик корхоналар сифатида фаолият юритган хўжалик субъектларига солиқса тортишнинг соддалаштирилган тизимидан фойдаланишни танлаш имкони берилди.

Фикримизча, микрофирма ва кичик корхоналар янги иш ўринлари яратиб республика ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминласа, янги ходимларга (битирувчиларга) бериладиган иш ҳақи суммаси миқдорида, лекин солиқ базасини 10% дан ошмаган миқдорда белгилаган муддатга (1-2 йилгача) солиқ базасини камайтириш хуқуқи берилиши мақсадга мувофиқdir.

2017 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг Халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг статистика, солиқ ва молиявий ҳисботларни амалга оширишда тасдиқланган ИФУТ-(Иқтисодий фаолият турларини умумдавлат таснифлагичи) таснифлагичига қатъий амал қилиниши белгиланди.

Тармоқлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари учун банд бўлган ходимлар сонининг тасдиқланган меъёри ва улардаги ўзгаришга рафбатлар²⁶

| | | | |
|---|--|--|---|
| Кичик тадбиркорлик тузилмалари ва уларнинг тармоқлар бўйича ихтисослашуви | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.04.1998 даги ПФ-1987 сонли Фармонига асосан тасдиқланган ўртacha ийллик банд бўлганлар сони | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.05.2009даги ПҚ-1112 сонли Қарорига кўра банд бўлган ходимлар сонини касаначилар хисобига 30 фоизга оширилганда ҳам тадбиркорлик субъекти учун амалдаги имтиёзлар сақлаб қолиниши белгиланди | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2010 даги ПФ-4232 сонли Фармонига кўра таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш учун банд бўлган ходимлар сонини 50 фоизга оширилганда ҳам тадбиркорлик субъекти учун амалдаги имтиёзлар сақлаб қолиниши белгиланди |
| Микрофирмалар | | | |
| Ишлаб чиқариш тармоқларида | 20 кишидан | 26 киши | 30 киши |
| Хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқлarda | 10 кишидан | 13 киши | 15 киши |
| Улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида | 5 кишидан | 7 киши | 8 киши |
| Кичик корхоналар | | | |
| Енгил саноат, озиқ-овқат саноати хамда қурилиш материаллари саноатида | 200 кишидан | 260 киши | 300 киши |
| Металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик хамда мебель саноатида | 100 кишидан | 130 киши | 150 киши |
| Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўялиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш | 50 кишидан | 65 киши | 75 киши |
| Илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш хамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида | 25 кишидан | 33 киши | 37 |

²⁶ Солик кодексининг -18 моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391 сонли Конунига мувофиқ ўзгаришиш киритилган.

Ушбу ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳозирда кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртacha йиллик сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилган рўйхат рақами 2858-сонли “Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртacha йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги” низом билан белгиланаётир. Мазкур Низомга кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртacha йиллик сонини аниқлашда ўриндошлиқ, пудрат ва бошқа меҳнат шартномаларига кўра маълум муддатга даврий меҳнат ваҳтасига ишга қабул қилинган ходимлар сони, турли ваколатхона, филиал ва таркибий бўлинмаларда банд бўлганлар ҳам инобатга олинади.

Оилавий тадбиркорликка максимал даражада янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлаш, уни ишончли кафолатларини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш ва ривожлантиришга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ЎРҚ-327-сонли Конуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг З-моддасида таъкидланганидек, “оилавий тадбиркорлик - оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”.

Оилавий корхона “тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хуқуқий шаклларидан бири бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий

корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртacha йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оиласвий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак”²⁷.

Оиласвий корхона - қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солик тўловини тўловчиси ҳисобланади. Оиласвий корхонанинг фойдаси соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солик солинмайди.

Республикамиизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга катта туртки бўлди. Мазкур Фармон билан давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, тадбиркорларни хизмат кўрсатувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида “ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилиши белгиланди. Ушбу Фармон ижросини

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оиласвий тадбиркорлик тўғрисида” ЎРҚ-327-сонли Қонуни 4-моддаси.

таъминлаш мақсадида 2015 йил 28 сентябрда Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2412-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан “Ягона дарча” марказларининг асосий вазифалари этиб, тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, руҳсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш, тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш белгиланди. Шунингдек, 2016 йил 1 январдан бошлаб 16 та турдаги давлат хизматлари фақат ушбу марказлар орқали амалга оширилиши ҳамда мазкур хизматлар рўйхатига босқичма-босқич қўшимчалар киритиб борилиши назарда тутилиб, Адлия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари зиммасига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини назорат қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг 14 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 358-сонли қарори билан марказлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ҳақидаги Низомлар тасдиқланди²⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида – 2018 йилни юртимизда “**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили**” деб эълон қилинди. Бу билан, мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат

²⁸ <https://darakchi.uz/uz/128511>

сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканлигининг аҳамияти ўсди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, “биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”²⁹.

Тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш ва бизнес мухитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида Ўзбекистон 7 погонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислоҳотчи давлати қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юритимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди. Бундай имкониятлар натижасида 2021 йилнинг 10 ойида 91 мингта ёки 2018 йилга нисбатан 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Лекин ҳали тадбиркорлик фаолияти ривожи йўлида қилинадиган ишлар ҳам кўп. “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, жумладан, ер ажратиш, қурилиш ва мол-мулкни рўйхатга олиш борасида қулайликлар яратиш керак. Шу боис тадбиркорларга ерни онлайн аукцион орқали бериш, мулкни рўйхатдан ўтказиш бўйича идоралараро электрон ахборот алмашинувини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Хорижий тажриба асосида мулк хуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш таклифи билдирилди. Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини молиялаштириш учун Халқ банки, “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” масъул этиб белгиланиб, уларга етарлича ресурслар ажратиб берилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман, тижорат банклари ва бошқа

²⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил. – Халқ сўзи газетаси.

ваколатли идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги жойларда ҳали сезилмаяпти. Бинобарин, соҳадаги барча масалалар ҳокимликлар, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва банкларнинг ўзаро ҳамкорлигига ечилиши зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойларда тадбиркорлар иштирокида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларини яратишга кучли туртки бериш лозимлигини таъкидлади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятининг тури қандай бўлишидан қатъий-назар, унда янгилик, ижодкорлик, тадбиркорнинг ўзига хос услуби, индивидуал ёндашувларни излашга интилувчанлик элементлари бўлиши керак. Фаолиятнинг ҳар қандай турида тадбиркор энг яхши натижага эришиш, сезиларли самара бериш учун мўлжалланган омиллар ва ҳаракат усулларининг комбинациясини қидиради. Керакли комбинацияни топиш учун тадбиркор излаш ва иқтисодий маневр қилиш эркинлигига эга бўлиши ва шу билан бирга турли хил бизнес турларининг хусусиятларини, уларни битта операция доирасида боғлаш имкониятларини билиши ва ифодалай олиши керак.

Кўпинча, фаол тадбиркорлик бизнеснинг айрим турларига ўзига хослик олиб келади, уларни бир-бири билан аҳамиятсиз, ўзига хос тарзда бирлаштиради. Бунда тадбиркор ишлаб чиқариш, савдо, молиявий фаолият, воситачилик, сугуртани бирлаштириб, шу орқали янги яхлит, мураккаб бизнес турларини вужудга келтира олади.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, “**фаол тадбиркорлик**” тушунчасининг мазмуни талқинида унинг инновацион ёндошув устуворлиги, илғор замонавий технологияга асосланиш ҳамда бошқарув усулларининг манфаатдорликни доимий рағбатлантириш дастаклари амал қилишидек самарали воситага эга бўлиши зарурлигини таъкидлаш лозим.

Хозирги кунда, айнан фаол тадбиркорлик тараққиётини таъминлашнинг самарали усул ва воситаларини ҳётга кенг қўллаш мамлакатимиз иқтисодий равнақининг муҳим мезони бўлиши зарур.

1-боб бўйича хуроса:

1. Тадбиркорлик “иқтисодий фаолиятнинг истеъмолчиларнинг тўловга қобил талабларини қондиришга қаратилган ҳамда тараққиётни инновацияларни кенг жорий этш ва информацион технологиялар имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига рағбатлантирадиган маҳсус туридир.

2. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шарт-шароитлари ва рискларни аниқлаш комплекс тарзда бир-бири билан узвий боғлиқ икки вазифани ҳал этишга имкон беради: рисклар негатив таъсирини минималлаштириш; юзага келаётган рисклардан муқобил ечимни ва янги имкониятларни қидириб топиш учун асос сифатида фойдаланиш.

3. Тадбиркорлик субъектларида риск менежменти тизими – яхлит ташкилий-хуқуқий асосларда тадбиркорлик субъектларининг давлат билан ўзаро ҳамкорликда ўсишга эришиш орқали юзага келувчи рискларни самарали бошқариш воситалари, усуслари ва тадбирлари мажмуидир.

4. Тадбиркорлик муаммоларига бағишлиланган иқтисодий адабиётда ҳозирча тадбиркорлик рискларининг тизимли таснифи яратилмаган. Бу рискларни таснифлаш учун, фикримизча, биринчи навбатда, уларни муайян гурухларга ажратиш имконини берадиган асосий белгиларини аниқлаб олиш зарур. Бинобарин, рискларни қуидагича таснифлаш мумкин: вужудга келиш соҳасига кўра; вақтга нисбатан давомийлигига кўра; рисклилик даражасига кўра; оқибатларининг хусусиятларига кўра.

5. “Фаол тадбиркорлик” инновацион ёндошув устуворлигини, илфор замонавий технологияга асосланишини ҳамда бошқарув усусларининг манфаатдорликни доимий рағбатлантириш дастаклари амал қилишидек самарали воситага эга бўлишини талаб этади.

П-БОБ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

2.1. Андижон вилояти тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш ҳолати ва ўзгариш тенденциялари таҳлили

Тадбиркорлик субъектларида риск менежментини ташкил этишга оид жаҳон амалиёти, тараққий этган мамлакатларнинг бу соҳага оид бой ижобий тажрибалари билан қиёслагандан Ўзбекистон Республикасида замонавий талабларга жавоб берадиган тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг давлат тадбирлари тизимининг модернизацияси ва тадбиркорлик субъектларида самарали риск менежментини шакллантириш ўзининг ilk қадамларини қўяётганлиги, унинг тараққиёти иқтисодиёт равнақи учун муҳим механизм эканлиги тадбиркорлик фаолияти ривожига қаратилган шиддатли ислоҳотларнинг боришини, бу соҳага оид риск менежменти амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашнинг катта аҳамиятини белгилайди. Шу боисдан, тадқиқотимизнинг мазкур боби тадқиқ обьекти бўлмиш Андижон вилояти тадбиркорлик субъектларида риск менежментининг ривожланишига омиллар таъсирини баҳолашга бағищланди. Бунинг учун ишнинг мазкур бобида изланиш олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- Андижон вилоятида тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш ҳолати ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;
- тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ва уларда рискларни бошқариш жараёнларига омиллар таъсирини баҳолаш;
- тадбиркорлик субъектларида рискларни бошқариш тизими асосида инновацион ва инвестицион фаолият самарадорлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқ вазифаларидан келиб чиқиб, кейинги йилларда Андижон вилояти иқтисодий ривожланишининг асосий макроиктисодий индикаторлари (2.1-жадвал), Андижон вилояти иқтисодиётининг республика иқтисодиётидаги тутган ўрнини асосий макроиктисодий кўрсаткичлар (2.2-

жадвал) ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижаларига оид рақамлар (2.3-2.5-жадваллар) таҳлилига тұхталамиз.

2.1-жадвал.
Андижон вилоятининг 2020 йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари*

| Кўрсаткичлар | Млрд.сўм | Ўтган йилга нисбатан, % |
|---|-----------------|--------------------------------|
| Ялпи худудий маҳсулот | 32897,2 | 106,5 |
| Саноат маҳсулоти | 33027,3 | 114,7 |
| Истеъмол товарлари | 26618,8 | 118,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 24439,4 | 103,4 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 8183,7 | 142,3 |
| Қурилиш ишлари | 3839,6 | 107,1 |
| Юқ айланмаси (млн. тн-км) | 839,8 | 99,3 |
| Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км) | 12604,5 | 103,8 |
| Чакана товар айланмаси | 12460,2 | 106,5 |
| Хизматлар, жами | 9730,1 | 110,7 |
| Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари) | 2533,2 | 116,4 |
| Экспорт | 499,6 | 139,9 |
| Импорт | 2033,6 | 111,8 |
| Сальдо (+;-) | -1534,0 | X |

* Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринишича, Андижон вилоятининг 2020 йилдаги асосий индикаторларининг бажарилишида ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган. Жумладан, ўтган йилдагига нисбатан ЯҲМ 6,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 14,7 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 18,7 фоизга ўсган. Бироқ, шуниси таажжублики, мазкур индикаторлар бўйича Андижон вилоятининг республикадаги улуши кўрсаткичларида 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан пасайиш кузатилган (2.2-жадвал).

2.2-жадвал.

2020 йилдаги асосий иқтисодий қўрсаткичлар бўйича Андижон вилоятининг республикадаги улуси*

| | Ўзбекистон Республикаси | | Андижон вилояти | | Андижон вилоятининг республикадаги улуси, % | |
|--|-------------------------|---------------------------------|-----------------|---------------------------------|---|------------|
| | Млрд. сўм | 2019 йилдагига нисбатан ўсиш, % | Млрд. сўм | 2019 йилдагига нисбатан ўсиш, % | 2019 йилда | 2020 йилда |
| Ялпи ички (худудий) маҳсулот | 511838,1 | 105,6 | 32897,2 | 106,5 | 6,5 | 6,4 |
| Саноат маҳсулоти | 331006,6 | 106,6 | 33027,3 | 114,7 | 11,7 | 10,0 |
| Истемол Товарлари | 111494,3 | 112,1 | 26618,8 | 118,7 | 25,6 | 23,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ Хўжалиги Маҳсулот (Хизмат) лари | 224288,8 | 102,5 | 24439,4 | 103,4 | 10,3 | 10,9 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 189924,3 | 133,9 | 8183,7 | 142,3 | 3,8 | 4,3 |
| Курилиш ишлари | 68854,4 | 119,0 | 3839,6 | 107,1 | 5,5 | 5,6 |
| Чакана савдо товар айланмаси | 164184,2 | 107,9 | 12460,2 | 106,5 | 7,8 | 7,6 |
| Хизматлар, жами | 190356,0 | 112,5 | 9730,1 | 110,7 | 5,3 | 5,1 |
| Экспорт (млн. АҚШ. долл) | 17901,7 | 128,0 | 499,6 | 139,9 | 2,6 | 2,8 |
| Импорт (млн. АҚШ. долл) | 24276,1 | 124,9 | 2 033,6 | 111,8 | 9,4 | 8,4 |

* Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

Диссертацион тадқиқотимиз тадқиқ обьекти бўлмиш Андижон вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари ривожланишига оид охирги йиллардаги тенденцияларни ўрганиш муҳим зарурият ҳисобланади (2.3-жадвал).

2.3-жадвал.

2016-2020 йилларда Андижон вилоятида тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари*


| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---|--------|-------|-------|-------|-------|
| | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони, та | 23848 | 23580 | 21631 | 22560 | 25807 |
| Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, та | 2456 | 2686 | 2476 | 3131 | 6632 |
| ЯҲМ, % | 61,4 | 76,8 | 72,0 | 72,3 | 71,4 |
| Саноат, % | 29,5 | 50,4 | 34,4 | 21,2 | 21,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ Хўжалиги, % | 99,8 | 99,6 | 99,7 | 99,5 | 99,3 |
| Инвестиция, % | 52,2 | 54,9 | 54,1 | 57,7 | 67,3 |
| Қурилиш, % | 94,7 | 93,2 | 94,3 | 96,9 | 97,0 |
| Савдо, % | 91,8 | 99,4 | 91,9 | 88,8 | 87,4 |
| Хизматлар, % | 66,3 | 67,0 | 65,2 | 71,7 | 68,7 |
| Юк ташиш, % | 93,3 | 94,1 | 94,8 | 93,9 | 95,0 |
| Юк айланмаси, % | 60,0 | 62,9 | 64,7 | 66,6 | 69,3 |
| Йўловчи ташиш, % | 87,8 | 93,2 | 96,6 | 96,4 | 96,0 |
| Йўловчи айланмаси, % | 94,1 | 95,1 | 95,0 | 96,8 | 96,1 |
| Экспорт, % | 56,6 | 75,0 | 75,5 | 75,3 | 57,8 |
| Импорт, % | 8,1 | 16,5 | 16,6 | 16,7 | 15,2 |

*Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

2.3-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2016-2020 йилларда Андижон вилоятида тадбиркорлик субъектларининг вилоят иқтисодиётидаги улуши салмоқлидир ва аксарият кўрсаткичлар бўйича уларнинг динамикаси кузатилаётганлигини ижобий баҳолаш лозим.

2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўпи савдода – 2615 та, шунингдек: саноатда – 1829 та; қурилишда – 589 та; қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 273 та; яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 492 тани ташкил этди.


Охирги йилларда Андижон вилоятида тадбиркорлик субъектларининг тармоқлар бўйича асосий кўрсаткичлари кўрсатишича, айrim кўрсаткичлар бўйича, жумладан ЯҲМ даги улуш, савдо, хизматлар, экспорт, импортдаги улуш бўйича пасайиш тенденциялари кузатилган (2.1-диаграмма).



2.1-диаграмма. 2018-2019 йилларда тадбиркорлик субъектларининг тармоқлар бўйича асосий кўрсаткичлари, %*

*Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

Қуйида, 2019 йилда Андижон вилоятида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 21,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ Хўжалиги – 99,3 %, қурилишда – 97,0 %, инвестицияда – 67,3%, савдода – 87,4 %, экспортда - 57,8 %, импортда – 15,2 % ва Хизматлар соҳасидаги – 68,7 % улуши аниқ кўрсатилган (2.2-диаграмма).



2.2-диаграмма. 2019 йилда Андижон вилоятида иқтисодий фаолият турларида кичик тадбиркорликнинг улуши*

*Андижон вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.
Таҳлил жараёнини тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимидағи ҳолатини ўрганиш янада тўлдиради (2.4-жадвал).

2.4-жадвал.

2020 йилда Андижон вилоятида кичик тадбиркорликнинг худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (%)

| | Саноат | Курилиш | Хизматлар | Инвестиция |
|--------------------------|--------------|--------------|-------------|-------------|
| Андижон вилояти | 21,4 | 97,0 | 68,7 | 67,3 |
| Андижон шаҳри | 27,2 | 95,4 | 43,9 | 43,8 |
| Хонобод шаҳри | 14,3 | 100,0 | 94,7 | 56,9 |
| Олтинқўл тумани | 63,6 | 100,0 | 94,5 | 73,9 |
| Андижон тумани | 79,6 | 100,0 | 83,9 | 74,8 |
| Балиқчи тумани | 99,4 | 100,0 | 95,3 | 80,5 |
| Бўстон тумани | 95,7 | 100,0 | 95,3 | 78,8 |
| Булоқбоши тумани | 100,0 | 100,0 | 89,6 | 88,3 |
| Жалақудуқ тумани | 82,9 | 85,1 | 92,2 | 81,0 |
| Избоскан тумани | 65,8 | 100,0 | 95,4 | 77,5 |
| Улугнор тумани | 82,1 | 75,0 | 84,3 | 77,2 |
| Қўргонтепа тумани | 75,0 | 93,3 | 95,4 | 94,2 |
| Асака тумани | 2,3 | 100,0 | 93,7 | 26,2 |
| Марҳамат тумани | 87,3 | 100,0 | 97,3 | 76,2 |
| Шахрихон тумани | 94,6 | 100,0 | 91,8 | 82,7 |
| Пахтаобод тумани | 76,0 | 100,0 | 96,4 | 76,9 |
| Хўжаобод тумани | 92,9 | 100,0 | 95,5 | 84,1 |

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушкини Булоқбоши (100,0%) ва Балиқчи (99,4%), Бўстон (95,7 %) ҳамда Шахрихон (94,6 %) туманлари ташкил этди.

Курилишда – Хонобод, Олтинқўл, Андижон, Балиқчи, Бўстон, Булоқбоши, Избоскан, Асака, Марҳамат, Шахрихон, Пахтаобод ва Хўжаобод (100,0 %), Андижон Шаҳри (95,4 %), ва Қўргонтепа (93,3 %) туманлари ташкил этди.

Хизматлар соҳасида – Марҳамат (97,3 %), Пахтаобод (96,4 %),
Хўжаобод (95,5 %), Кўргонтепа, (95,4 %), туманлари ташкил этди.

Инвестицияда - Кўргонтепа (94,2 %), Булоқбоши (88,3 %), Хўжаобод
(80,0 %) туманлари ташкил этди.

Маълумки, тадбиркорлик тузилмаларининг глобал рисклар шароитидаги фаолият юритиши мониторинги ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, аввало, уларда рискларни аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқаришнинг самарали механизми яратилишини талаб қилади.

Ҳар қандай инвестор ўз маблағларини жойлаштираётганда уни қизиқтирадиган бош масала – рискнинг мавжудлигини аниқлаш, унинг кўлами ва таъсири натижаларини баҳолай билиш ҳамда риск менежменти самарали восита ва усулларидан фойдалана олиш ёки инвестицияни жойлаштирмаслик ҳақида қарор қабул қилиш ҳисобланади. Шуниси хусусиятлики, риск менежменти у ёки бу лойиҳага инвестицияни жойлаштиришдагина эмас, балки тадбиркорлик тузилмаси фаолиятининг барча босқичлари учун ҳам бирдай аҳамиятлидир.



2.1-расм. Рискларни баҳолаш ва бошқаришнинг ташкилий жараёнлари³⁰


Демак, риск менежментида энг муҳим масалалардан бири – кутилажак йўқотиш ва фойда миқдорини таққослаш орқали фаолият натижаларини қиёслаш ҳисобланади, риск менежментидан асосий мақсад эса – рискни камайтириш ёки унинг олдини олишдан иборат.

Корхона раҳбарияти риск менежментининг ҳар қайси масалалари ва вазифалари ижросини муттасил кузатиб боради, кутилаётган натижалар

³⁰ Носиров Э.И., Маматов Б.С., Шоисломова Н.Қ., Шарифходжаева К.У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В.Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. ўқув адабиётидан фойдаланган холда муаллиф томонидан шакллантирилди.

Харитасини ўқий олади ва кейинги қадамларни асослай билади.

Умумий тарзда тадбиркорлик тузилмаларида инвестицион риск менежменти бир неча босқичларда амалга оширилади (2.2-расм).



2.2-расм.³¹ Инвестицион риск менежментининг асосий босқичлари.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тузилмаларининг глобал таваккалчиликлар шароитидаги фаолият юритиши мониторинги ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши кўйидаги асосий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади:

³¹ Носиров Э.И., Маматов Б.С., Шоисломова Н.Қ., Шарифходжаева К.У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В.Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. ўқув адабиётидан фойдаланган холда муаллиф томонидан шакллантирилди.

2.2. Тадбиркорлик субъектларини ривожланиши ва уларда рискларни бошқариш жараёнларига омиллар таъсирини баҳолаш

Ҳозирги замон иқтисодиёт фани шундан келиб чиқадики, тадбиркорлик фаолиятининг бош мақсади ҳар доим ҳам фойда кўришдангина иборат бўлмайди. Бугунги кунда унинг мақсади узоқ муддатли динамик ривожланишнинг таъминланишидир³².

Мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти даражаси қанчалик юқори бўлса, бунинг тўғрилигини тасдиқловчи шунчалик кўп далиллар келтириш мумкин бўлади. Мазкур тенденцияларнинг ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам амал қилишини истаган ҳолда бунинг учун ҳозирланиши лозим бўлган шароитларни, учраши мумкин бўлган рисклар ва таҳдидларни, уларни бошқаришга оид самарали восита ва тадбирларнинг хусусиятларини ўрганиш талаб этилади. Бу жиҳатдан олиб қаралганда, ривожланишни - тадбиркорлик тузилмалари ҳаёт тарзининг бош мезони сифатида тушуниш лозим ва унинг таъминланиши инновацион ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик рискларини самарали бошқаришга бевосита боғлиқдир.

Корхона инновацион фаолияти – маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш технологиялари, асосий воситаларни янгилашнинг тайёрланиши ва амалга оширилишидир. Илмий адабиётда инновацион фаолиятни янгиликларнинг амалиётга биринчи бўлиб жорий этилиши, яъни бу янгиликларнинг тижорат асосларида амалга оширилиши сифатида тушунилади. Корхоналар фаолиятида маҳсулот инновацияси (янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш) ва ишлаб чиқариш жараёни инновацияси (янги технология ва ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланиш) фарқланади.

Аниқ маҳсулот, технологиялар, бозорлар, бошқариш услубларига оид алоҳида янгиликларнинг жорий этилиши корхона менежерларидан маълум

³² Арнаут М.Н. Принципы динамичного развития предпринимательства //Азимут научных исследований: экономика и управление. – 2017. –№ 3(20). – С. 178-181.

шароитларнинг таъминланишини талаб этади: биринчидан, ходимларда янги иш турларини бажаришларида маълум кўникмалар ҳосил қилиш; иккинчидан, инновацион фаолиятга бутун корхонани ижтимоий-иктисодий тизим сифатида йўналтира олиш. Мазкур жараёнда бошқариш обьекти сифатида корхона ходимлари чиқади, чунки инновацион фаолият кишиларнинг ижодий қобилятлари ва кучларининг намоён бўлиши ва реализациясидан иборатдир. Бундан шу нарса келиб чиқадики, инновацион фаолиятнинг ривожланиши нуқтаи-назаридан менежментнинг асосий вазифаси сифатида ходимларда мавжуд ижодга, яратувчанликка, янгиликларни жорий этиш ва уларни амалга ошириш учун қулай шароитларни таъминлашга қодир бўлган потенциал имкониятларни аниқлаш майдонга чиқади.

Инновацион фаолият қатор хусусиятларга эга ва янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этаётган деярли ҳар бир корхона унинг ташкилий муаммоларига дуч келади. Бундай муаммоларга куйидагиларни киритиш мумкин: илмий-техникавий ёки ташкилий янгиликларни яратиш ва шакллантириш муаммолари; мавжуд ғояларни аниқ йўналишлар бўйичататбиқ этиш (лойихаларнинг тайёрланиши, ташкилий-меъёрий ҳужжатлар) муаммолари; янгиликларнинг ташқи ва ички муҳитга мослашувини таъминлаш муаммоси. Бу муаммо ҳам тажрибалар ўтказиш давомида, ҳам бу янгиликни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш давомида вужудга келади; янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва оммавий такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муаммолари.

Юқорида таъкидланганидек, корхона инновацион фаолиятида маҳсулот инновациясини ва технологик инновацияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур инновацияларнинг тадбиркорлик субъектлари иктисодий мақсадларига эришишларидаги таъсир йўналишлари қандай?-деган қонуниятли савол туғилади. Маҳсулот инновациялари корхонага нисбатан янги маҳсулот бирлиги ҳамда илгариги маҳсулот сифат

кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига уларнинг ҳақиқий сотиш баҳосининг таннарх билан боғлиқ орқали фойдани кўпайтириш имконини беради.

Корхонанинг янги маҳсулотларни юқори баҳоларда ҳақиқатда сота олиши икки шартнинг бажарилиши билан боғлиқ: янги маҳсулотнинг ҳақиқатда мавжуд қондирилмаётган талабга мос тушиши; янги маҳсулотга бўлган талаб даражасининг фаол маркетинг сиёсати орқали ўсиши.

Бироқ, умумий ҳолда маълум узок вақт давомида корхона юқори реализация баҳоси орқали қўшимча фойда олиш имкониятини ушлаб туралмайди. Бунга қуидагилар сабаб бўлиши мумкин: бозорда айнан шу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи рақобатчилар янги маҳсулотни қулай тижорат асосларида сотиб бозордаги баҳога таъсир ўтказишлари мумкин; гарчи мавжуд бозор монопол товар бозори бўлганда ҳам маблағларнинг бир тармоқдан бошқа тармоққа кириб келишининг молиявий механизмлари амал қилиши орқали мазкур товар бозорида янги ишлаб чиқарувчи фирмалар пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун ривожланган бозор муҳитида янги маҳсулот турининг сотиш баҳоларини ошириш ҳисобига олинадиган юқори фойда чекланган истиқболга эга. Бундай тараққиёт асосларига умид қилиш корхонага барқарор тарзда юқори фойда олишга ва янги ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши ёки бошқа соҳага қайта ихтисослашувидағи заарлардан истисно бўлишга имкон бермайди.

Шу билан бирга янги маҳсулот бирлиги баҳосининг юқорилиги ва рентабеллиги омилини бутунлай инкор этиб бўлмайди, чунки бу омил вақтинча бўлса ҳам, янги маҳсулот бозорида танҳо хукмронлик, рақобатдош корхоналарнинг кучли таъсиридан бирмунча енгиллашишга имконият яратади. Бу имконият янги маҳсулот турига патент олиш ва шунга асосан маълум ҳудудда уни ишлаб чиқаришга монопол эгалик қилишлари ёки маълум вақт ичida мазкур янги маҳсулотнинг муҳим технологик ечимларини махфий ноу-хау сифатида қатъий тижорат сирида

ушлаб туришларида намоён бўпади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ерда инновацияга вақтингчалик монопол эгалик қилиш ҳақида фикр юритилмоқда.

Мазкур вақтингчалик монопол эгалик қилиш муддати ичида рақобатчилар мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириб “параллел” патент олишлари, маҳфий техник маълумот асосида маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари мумкин. Нихоят, рақобатчилар тўғридан-тўғри патент берувчи фирмадан янги маҳсулотга лицензия ва унинг технологиясини сотиб олишлари мумкин.

Маълумки, ривожланган давлатларда ихтиро эркинлиги шароитида патентларни ўз номидан кўра кўпроқ ўзи ишлаётган фирма номига расмийлаштириш кенг тарқалган (масалан, собиқ ГФРда 95% патентлар фирмалар номида). Бунинг сабаблари қуйидагилар: меҳнат келишувларида шундай мажбуриятлар кўрсатилганлиги; фирмада кў shimcha тўловлар ва мукофотларнинг катталиги; бу лицензияни сотищдаги қийинчиликларни тушуниб етиш (технологияни етказиб бериш, монтаж ишлари, ишга тушириш ва ҳ.к.); ўз шахсий ишини бошлашни истамаслик.

Ривожланган мамлакатларда давлат ўз тадбирлари тизимида инновацияга монопол эгалик қилиш нисбатан узоққа чўзилмаслигини ҳисобга олиб бу соҳада танҳо хукмронлик билан курашишгина эмас, балки давлат томонидан ҳимоя этиладиган патент тизимини киритиш билан уни рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Умуман олганда, бир томондан, янги маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш технологияси соҳасида вақтинча танҳо хукмронликка интилиш кичик бизнес корхоналарининг маҳсулотни янгилаш билан фаол шуғулланишлари учун етарли омилдир. Бошқа томондан эса, бундай танҳо хукмронликнинг вақтингчалик хусусиятдалиги мамлакат иқтисодиётини издан чиқармайди, балки ривожланиш гарови бўлади. Албатта, шундай

корхоналар борки, улар ўз инновацион танҳо хукмронлигини иложи борича узоқ муддатда сақлаб қолишга уринадилар.

Бунинг учун улар ўз янгиликларини иложи борича қатор майдага техник ечимларга ажратиб, уларнинг ҳар бири учун патент тизимини қўллайди, кўп сонли ҳуқуқшуносларга эга бўлиб, ўз патентларини назорат қилиш агентликларини тузади, корхона ичида ва ташқарисида ўта маҳфийлик муҳитини кучайтиради. Бироқ, буларнинг ҳаммаси катта маблағларни талаб қиласди. Масалан, АҚШда ҳар бир патентнинг рўйхатдан ўтказилиши учун (эксперт тўловини ҳам қўшганда) 3-7 минг АҚШ доллари тўланиши лозим; патентларни ўз кучида саклаб туриши учун уларнинг ҳар бирига 0,7-1,0 минг АҚШ доллари миқдорида давлатга тўлов тўланади. Бундан ташқари, патентлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологияларни жорий этишга лицензияларни сотищдан доимий тарзда қатъий норозилик кўрсатилишида рақобатчи корхоналар танҳо хукмронликка қарши судга мурожаат этишлари ва мажбурий тарзда лицензияларни сотиб олишлари мумкин (бу ҳолат, айниқса, Буюк Британия давлатлари учун хусусиятлидир).

Ривожланган давлатларда танҳо хукмрон ишлаб чиқарувчиларга қарши қонунчилиқда фақат танҳо хукмрон фирманинг бозорнинг катта қисмини назорат қилаётганлигини келтиришгина кифоя қилмайди. Бунда асосий нарса – танҳо хукмрон фирманинг ўз хукмронлигини таъқиқланган усусларда (масалан, бозорга рақобатдош корхоналарни киритмаслик, уларга қатъий тарзда лицензияларни сотмаслик ва ҳ.к.) ҳимоя этишидир.

Маҳсулот инновацияларида корхона қуйидаги ҳолатларда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш ҳисобига фойдани кўпайтириш имконига эга бўлади:

- мавжуд товар бозорида корхона яратган ва таклиф этаётган янги маҳсулотнинг юқори самарадорлиги, харидоргирлиги ҳисобига рақобатдош корхоналар харидорларини ҳам ағдариб олиш эвазига

маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш;

- янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан олдиндан амал қилаётган ва тўлдирилмаган бозор сегментида мавжуд талабни қондириш ҳисобига маҳсулот сотиш ҳажмини оширишга эришиш;

- харидорларга мутлақо янги маҳсулотни тавсия этиш билан рақобатчи корхоналар ҳали мавжуд бўлмаган янги бозор яратиш ҳисобига маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш.

Маҳсулот сотиш ҳажмини оширишнинг юқоридаги икки усули аниқ харидорлар ва уларнинг гурухларига нисбатан маҳсулотнинг рақобатдошлилигини ошириш ҳисобига таъминланади.

Тадбиркорлик тузилмалари маҳсулотининг рақобатдошлиги тўрт асоий омил билан белгиланади: маҳсулот сифати; маҳсулот баҳоси; олинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича маҳсулот етказилиш муддатлари; маҳсулот ишлаб чиқарувчи томонидан таъминланиши лозим бўлган маҳсулотнинг ишлатилиши жараёнидаги техник хизматнинг тўлалиги, сифати, оперативлиги ва қиймати.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги мазкур кўрсаткичларнинг яхшиланишига корхона инновацион фаолияти қаратилган. Бунда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Биринчидан, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда унинг сифатини ошириш, ундаги истеъмолчилар учун аҳамиятли бўлган истеъмол хислатларини яхшилашдан иборат.

Иккинчидан, янги маҳсулот, бошқа барча teng иқтисодий шароитларда, қанчалик арzon бўлса, шунчалик рақобатга чидамли бўлади. Бу эса ўз навбатида унинг таннархининг пасайишини талаб қиласди.

Учинчидан, истеъмолчиларни маҳсулот ўлчамлари ва сифат белгиларига кўра табақалаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга дастлабки маркетинг изланишлари орқали эришилади.

Тўртинчидан, корхона бозордаги ишлатилмаётган имкониятлардан фойдаланишга янада юқорироқ конструкторлик ва технологик янгиликларни жорий этиш ҳисобига эришиши мумкин.

Бешинчидан, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун реал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда уни юқори ишончли сифатда ва фойдаланиш учун кулай шаклда истеъмолчига тавсия этилади. Технологик инновациялар корхоналарнинг фойдани кўпайтиришга қаратилган мақсадли фаолияти бўлиб, у қуидаги омиллар воситасида таъминланади: ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг пасайтирилиши; маҳсулот сифатининг яхшиланишида таннархнинг ортиқча ўсишига йўл қўймаслик; талаб мавжуд маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини мавжуд қувватларда ёки янги яратилаётган, лекин янада унумлироқ қувватларда ўсишини таъминлаш; эски технологиялар ёрдамида тайёрланиш имкони бўлмаган, тижорат асослари истиқболли бўлган янги маҳсулотларни ўзлаштириш имкониятини яратиш.

Давлатнинг корхоналар инновацион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тадбирлари тизимида мазкур фаолият билан боғлиқ ҳаражатларнинг маҳсулот таннархига киритилиши, яъни солиқлардан озод этилишини, тижорат банкларининг инновацион кредитларини ҳамда молиявий фонdlар, кичик ва ўрта бизнес тараққиётига кўмаклашув республика фонди ва чет эл сармоячиларининг корхоналар инновацион лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштироки алоҳида ажралиб туради.

Тадбиркорлик тузилмалари инновацион фаолиятини молиялаштириш манбалари ичida корхона ўз маблағлари, турли молиявий фонdlардан ажратмалар ва бюджет дотациясининг имкониятлари анча чекланганлигини ҳисобга олиб ҳозирги кундаги муҳим аҳамиятга эга бўлаётган манба – тижорат банкларининг инновацион кредитларини кенгроқ кўриб ўтамиз.

Тижорат банкларининг нафақат ссуда капиталлари бозорида, балки товарлар бозорида ҳам тўла қонли иштироки улар томонидан инновацион кредитлар бериш амалиётида таъминланади. Бу кредитларнинг берилиши янгиликни ифодаловчи истиқболли ғоя ишлаб чиқилишидан то унинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ва уларнинг натижаларининг бозорда реализация қилинишигача бўлган жараёнларни молиялаштириш билан боғлиқдир. Бу ерда шундай лойиҳалар ҳакида гап борадики, уларнинг амалга ошиши аниқ фойда олишни ёки хеч бўлмагандан ҳаражатларни қоплаш имконини бериши лозим, яъни бунда кредитнинг қайтариlmай қолиш таҳликаси даражаси юқоридир (бу таҳлика, одатда, молиялаштирувчи томонга тегишли бўлади). Шунинг учун тижорат банкларининг ҳамдабошқа потенциал сармоячиларнинг инновацион кредит юзасидан операциялари юқори таҳликали операциялар туркумига киради.

Тадбиркорлик тузилмалари ўз инновацион ғояларини амалга ошириш учун молиявий имкониятларини ҳисобга олиб кредитга муҳтожлигини аниклагач тегишли хужжатлар билан банкка ариза ёzáди. Молиялаштирилиши лозим бўлган аризалар иқтисодий ҳисоб-китоблар, чизмачиликконструкторлик ишлари, экспериментал натижалари ва намуналари билан бирга бўлиши банк ишончини қозонишдаги муҳим шартлар ҳисобланади. Банк муасасаси тушган хужжатлар ва лойиҳаларни атрофлича техник-иктисодий экспертиза текширувидан ўтказадики, бунда ғоянинг технологик имкониятлари, патент олиш мумкинлиги ҳақидаги хulosалар текширилади. Шартнома асосида жалб этилган эксперталарнинг ижобий хulosаси олингач, ғоя эгаси бўлмиш корхона ва банк ўртасида ҳар икки томон хуқуқи ва мажбуриятлари, фойданинг тақсимланиши, молиялаштириш шартлари каби ҳолатлар кўрсатилган битим имзоланади.

Тадбиркорлик тузилмалари имкониятларига қараб инновацион ғоянинг бозорга етказилиши ва муваффакиятли амалга оширилиши билан боғлиқ вазифаларни банк зиммасига ҳам юклаши мумкин. Бу ҳолатда банк

муассасаси мазкур янгиликни ўзлаштиришга кириша оладиган корхоналарни ва зарур хом ашёларни қидириб топиш билан, керакли ускуналар сотиб олиш билан реклама фаолиятини ва маҳсулотни сотишини ташкил этиш билан ҳам шуғулланади. Албатта, бу вазифалар фақатгина бошланғич ишнинг яхши натижа беришига тўла ишонч ҳосил қилингандагина амалга оширилади.

Мазкур янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилишидаги тушган фойданинг тақсимланиши шартномада кўрсатилган нисбатларда амалга оширилади. Албатта, молиялаштирувчи томоннинг улуши ҳар қандай шароитда кредит учун фоиз тўловлари билан ва ҳатто, агар кредит муддатида қайтарилиб маса, оширилган фоиз тўловлари билан чекланибгина қолмасдан, балки унинг фойдада иштирок этишини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги шароитда кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий шакллари ва йўналишларининг худудий муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан корхоналар инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришнинг куйидаги йўналишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

- тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашувчи территориал марказлар очиш орқали ташкилий маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш. Бу марказлар қатор масалалар бўйича — зарур маълумотлар беришдан то кредит олишга кўмаклашиш ва тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатишгача бўлган хизматларни бериши мумкин;

- маҳаллий бюджетдан мақсадли субсидиялар, солиқ имтиёзлари (маҳаллий солиқлар доирасида) ва молиявий кафолотлар бериш орқали молиявий ёрдам кўрсатиш. Маҳаллий маъмурият сиёсати маҳаллий солиқ ставкаларини пасайтириш орқали тадбюиркорлик тузилмалари кредит-молия фаолиятини рағбатлантириш ва мураккаб масалаларни ҳал этишда уларга техник ёрдам кўрсатишга асосланмоғи лозим. Инновацион

лойиҳанинг истиқболларига кўра тадбиркорлик тузилмаларини бюджет орқали молиялаштириш масаласи ҳам қўйилиши мумкин;

- тармоқ маҳкамалари, маҳаллий маъмурият ва йирик корхоналар билан кичик бизнес корхоналари ўртасидаги битимлар ва буюртмалар тизимини такомиллаштириш. Кичик корхоналарга йирик тармок, маҳкамалари ва маҳаллий маъмурият идоралари инновацион лойиҳани яратилганидан то унинг натижалари реализация қилингунга қадар бўлган барча босқичлари учун битимлар тузишга қўмаклашишлари мумкин;

- инновацион бизнеснинг “ўз-ўзидан ривожланиши” ни таъминловчи ва ишchan фаолликни рағбатлантирувчи турли ташкилотлар мажмуидан иборат бўлган инратузилманинг яратилиши орқали кичик бизнес инновацион фаолиятини рағбатлантириш. Бундай инратузилмага ҳудудларда тузилган ташкилот ва агентликларни киритиш мумкин: иқтисодий тараққиётнинг махсус фондлари; тадбиркорлар уюшмалари ва иттифоқлари; бизнес-инкубаторлари; инвестицион компаниялари; сугурта компаниялари ва нодавлат пенсия фондлари.

Мазкур ташкилотлар инновацион фаолиятнинг барча босқичларида тегишли даражада қўмаклашишлари лозим.

Умуман, тадбиркорлик тузилмаларида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш амалиётини таҳлил этиш натижасида тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Инновацион менежмент фан, техника иқтисодиёт, тадбиркорлик ва бошқарувни ўзида мужассампаштирган ягона жараёндир. Ушбу жараён корхона мақсадлари амалга ошиши учун янгиликларни жорий этиш мақсадида корхона ходимлари ва маблағларидан самарали фойдаланишини талаб этади. Инновацион менежмент корхонада тегишли инновацион муҳит ва ташкилий маданиятнинг яратилиши, янги ғояларни излаш, риск даражасини ҳисобга олиш каби ҳолатларга асосланади.

Амалиёт таҳлили тасдиқлашича, тадбиркорлик тузилмаларида инновацион менежментни ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига етарлича эътибор берилмаётир. Шу вақтгача тадбиркорлик тузилмаларининг инновацион фаолиятининг ташкилий ва иқтисодий асослари илмий тарзда етарлича ишлаб чиқариладики, бу ҳолат уларнинг самарали фаолиятидаги амалий тавсияларни ишлаб чиқиши ўта қийин масалалардан қилиб қўймокда. Айнан шунинг учун тадбиркорлик тузилмалари инновацион фаолияти тараққиётини бошқариш имкониятларини илмий асослаш муаммолари ҳозирги кунда энг долзарб масалалариданур.

Тадбиркорлик тузилмалари инновацион фаолиятини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш тизимининг умумий тавсифи 2.7-расмда келтирилган.

| Тадбиркорлик субъектларининг инновация фаолиятини рағбатлантириш механизми | | | | |
|--|--|---|--|--|
| Ижтимоий | Иқтисодий | Молиявий | Илмий-технологик | Хуқуқий-сиёсий |
| 1. Янги иш жойлари яратиш 2. Кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш 3. Ижтимоий имтиёзлар яратиш 4. Инновация инфраструктура | 1. Кичик бизнесни ташкил этиш 2. Бизнес режалар 3. Солик ва статистика хисоби юритишини соддалаштириш 4. Текширишларни тартибга солиш 5. Йирик корхоналар билан кооперациялашув 6. Экспортни қўллаб-куватлаш 7. Инвестиция киритиш | 1. Бюджет тизими 2. Солик тизими 3. Кредит тизими 4. Суғурта тизими 5. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш 6. Ҳамкорлик ва ҳомийлик кўрсатиш | 1. Илмий тадқиқотлар 2. Илмий технологиялар 3. Инноваци яни тижоратлаштириш 4. Ахборот ресурслари-дан фойдаланиш 5. Фан-тълим-ишлаб чиқариш интеграцияси | 1. Қонунлар 2. Президент фармони ва қарорлари 3. Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари 4. Ҳуқуқий маслаҳатлар |

2.7-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми*

*Муаллиф ишланмаси.

Маълумки, тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштиришда қуидаги дастаклардан фойдаланилади(2.8-расм):

- 1) Давлат бюджетидан инвестициялаш.
- 2) Солик имтиёзлари
- 3) Мақсадли имтиёзли кредитлар ажратиш.
- 4) Суғуртавий ҳимоя ва унга субсидия олиш.

**Тадбиркорлик субъектларининг инновация фаолиятини
молиялаштириш дастаклари”**

| Давлат бюджетидан инвестициялаш | Солик имтиёзлари | Мақсадли имтиёзли кредитлар | Суғуртавий ҳимоя ва унга субсидия олиш | Ўз ва бошқа маблағлар |
|---|---|--|--|--|
| 1. Республика бюджетидан молиялаш 2. Маҳаллий бюджетдан молиялаш 3. Республика ва худудий дастурлар орқали молиялаш 4. Давлат тасар-руфидан чиқариш ва хусусийлаштириш | 1. Махсус солик тартиби 2. Солик имтиёзлари 3. Соликлардан озод этиш 4. Солик хисоботларини соддлаштириш 5. Алоҳида солик ва бож йигимлари бўйича деклорациялар | 1. Имтиёзли кредитлаш 2. Давлат ва жамоат жамғар малари 3. Банк кредитлари 4. Тижорат кредитлари 5. Лизинг операциялари 6. Халқаро фондлар ва ҳорижий кредитлар | 1. Давлат кафолатлари 2. Суғурта компаниялари кафолатлари 3. Бошқа ташкилотларни кафолатлари | 1. Ўз-ўзини мабла 2. Ҳомийлик маблағлари 3. Ҳамкорлик маблағлари 4. Хайрия маблағлари 5. Венчур фонdlари |

“2.8-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш механизми”*

*Муаллиф ишланмаси.


Инвестицион рисклар юзага келиш сабабларига қараб қуидагиларга бўлинади:

- иқтисодий - муайян давлат иқтисодиётининг ҳолати ва унинг солик ва молия соҳасидаги сиёсати йў'налишига боғлиқ;

- технологик - асосан ишлаб чиқариш корхоналарига тааллуқли бо'либ, жиҳозларнинг ишончлилиги, технологик жараёнларнинг мураккаблиги, инновацияларни жорий этиш билан боғ'лик;
- ижтимоий – инсон омили билан (муайян шахснинг унинг фаолияти давомидаги хулқ-авторини башорат қилишининг иложи йўқлиги) ва жамиятдаги ижтимоий кескинлик (иш ташлашлар содир бўлиши, турли ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва бошқалар) билан боғлик;
- ҳукуқий – янги қонунлар қабул қилиниши ёки амалдагиларига ўзгартиришлар киритилиши натижасида, шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллиги бўлмагандага вужудга келади;
- экологик - иқлим шароити, эпидемиялар, зааркунандаларнинг тарқалиши, техноген авариялар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлик;
- сиёсий – ташқи сиёсий вазиятга, мамлакат ичидағи вазиятга, давлат сиёсати йўналишидаги ўзгаришларга боғлик.

Глобал миқёсда барча инвестиция рискларини икки гурухга бўлиш мумкин:

- тизимли (умумий иқтисодий, бозор) - булар ташқи омиллар билан боғлиқ рисклар; инвестор уларга таъсир қила олмайди;
- тизимли бўлмаган (тижорат) - бу бевосита инвестиция объекти билан боғлиқ бўлган рисклар - бошқарув ходимларининг малакасидан бошлаб ва бозорнинг ушбу сегментидаги рақобат билан якунланади.



2.9-расм. Инвестицион лойиҳалар рискларининг тўрт гурухга ажратилган таснифи³³

Хар қандай лойиҳага сармоя киритишдан олдин инвестор куйидагиларни баҳолаши керак:

³³ Носиров Э.И., Маматов Б.С., Шоисломова Н.К., Шарифходжаева К.У. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув кўлланма. / и.ф.д., профессор А.В.Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – 10-бет.

- инвестициялар учун потенциал рискнинг юзага келиш эҳтимоли ва ҳажми;

- рискларнинг юзага келишига ёрдам берувчи сабаблар;
- молиявий йўқотишлар эҳтимолини камайтириш йўллари.

Рискларни баҳолаш усулларини иккита асосий гурухга бўлиш мумкин:

1. Рискларни сифатли баҳолаш усуллари - бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиши босқичида қўлланилади. Буларга қуидагилар киради:

- эксперт усули (Делфи усули) - якуний риск қийматини олиш учун алоҳида эксперталарнинг фикрларини ўрганишни ўз ичига олади;
- харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги усули - инвестициянинг ҳар бир босқичида капитал учун потенциал таҳдидни аниқлашга асосланган, шу сабабли юқори риск мавжуд бўлганда инвестицияларни тўхтатиш;
- аналогия усули - такрорланувчи ёки жуда ўхшаш лойиҳаларда рискларни баҳолаш учун ишлатилади.

2. Рискни миқдорий баҳолаш усуллари - рисклар катталигининг сон қийматини олиш учун ишлатилади ва ўз ичига қуидагиларни олади:

- лойиҳанинг маржинал барқарорлик даражасини ҳисоблаш (масалан, ишлаб чиқариш учун бу маҳсулотнинг минимал ҳажмини аниқлаш, бунда даромад харажатларга teng);
- унинг сезирлигини таҳлил қилиш (ҳисоблаш ҳар бир параметрнинг алоҳида тебранишлари билан лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзгариши амалга оширилади, масалан, сотиш ҳажми, чегирма(дисконт) ставкаси ва бошқалар);
- лойиҳани ишлаб чиқишининг мумкин бўлган вариантларини таҳлил қилиш (барча муҳим параметрларни ўзgartiriшда самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш);
- Монте-Карло усули бўйича рискларни моделлаштириш (loyiҳa барқарорлигини баҳолаш учун риск ортиб бораётган турли вазиятларнинг симуляцияси қўлланилади).

Рискларни баҳолаш усуллари одатда комплекс тарзда қўлланилади. Бунинг учун турли хил компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкин. Аммо инвесторнинг ўзи маълумотга эга бўлиши, таҳлил қилиши ва иложи борича кўпроқ риск омилларини ҳисобга олишга ҳаракат қилиши керак.

Инвестицион рискларни камайтириш ёки уларни амалда нолга тушириш имконини берувчи 7 та асосий қоида мавжуд:

1. Бўш пулнинг 20% дан кўп бўлмаган бизнесга (айниқса, кичик ёки янги бошланувчиларга) сармоя киритиш.
2. Инвестицияларни диверсификация қилиш.
3. Ўз-ўзидан эмас, атайлаб ҳаракат қилиш лозим. Кутилмаган вазиятларда ҳар доим стратегия ва камчиликларни кўриб чиқиш керак.
4. Тушунарли бўлган нарсага сармоя киритиш маъқул. Агар, масалан, доимо савдо-сотиқ билан шуғулланилган бўлсангиз, унда мобил иловадан кўра онлайн-дўконни баҳолаш анча осон.
5. Агар янги ва нотаниш соҳага сармоя киритилса, мавзуни ўрганишга вақт ажратиш лозим. Мутахассисларнинг ёрдами керак бўлиши мумкин, аммо кейин рискларни тўғри баҳолай олинади ва ўз капиталини ушбу бизнесга сармоя киритишга арзийдими ёки йўқлигини тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, инвестиция қилиш бошланганда, маълум рискларга тайёр бўлиш лозим. Мазкур рискларни бутунлай йўқ қилиш имкони йўқ, аммо пулни тўғри бошқариш билан молиявий йўқотишлар эҳтимолини минималлаштириш ва муваффақиятли инвестициялар дунёсига йўл очиш мумкин.

Рискларни минималлаштиришнинг қуйидаги асосий усуллари мавжуд: диверсификация, хеджирлаш ва суғурта.

Инвестицияларни суғурталаш - бу нақд пул эвазига суғурта ташкилоти салбий ҳодисалар юз берганда йўқотишларни қоплаш мажбуриятини оладиган жараён. Кўчмас мулкка капитал қўйишида объектни бир қатор баҳтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш мумкин: сув тошқини, ёнғин ва ҳ.к.

Суғурта шартномасини имзолаш муайян пул харажатларини талаб қиласи, бу эса инвестиция тушумини камайтиради. Суғурта шартномасини имзолаш инвестиция рискларини камайтиришга имкон беради, аммо суғурта компаниялари актив қийматининг пасайиши натижасида йўқотишларни қопламайди. Диверсификация каби усул ёрдамида актив баҳосининг ўзгаришидан йўқотишларни камайтириш мумкин.

Диверсификация - бу инвестиция хавфини минималлаштириш учун турли турдаги активларга пул маблағларини киритиш. Инвестицияларни диверсификация қилиш - бу «тухумни битта саватга қўйманг» халқ донолиги ғояси, битта активга капитал қўйищдан йўқотишлар бошқа активларга инвестиция қилишдан олинган фойда билан қопланади. Суғурта шартномасини имзолаш билан солиштирганды диверсификацияни амалга ошириш ҳеч қандай харажатларни талаб қилмайди, лекин инвестиция портфелининг рентабеллиги портфелдаги энг фойдали активнинг даромадидан кам бўлади. Ушбу таъсирга турли хил активларга капитал қўйищдан олинган фойда ёки зарарни ўртacha ҳисоблаш орқали эришилади. Диверсификация инвестиция фаолиятининг тизимли рискларини камайтиришга имкон бермайди, бу айниқса 2008 йилдаги деярли барча активлар нархи тушиб кетганида яққол намоён бўлди.

Хеджирлаш - бу ҳосилавий молиявий воситаларни сотиб олиш ёки сотиш орқали инвестиция фаоллигини минималлаштириш усули. Хеджирлаш - бу суғурта бўлиб, сотувчилар ёки харидорлар учун ноқулай бўлган асосий актив учун бозор нархларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган йўқотишлар рискини камайтиради. Хеджирлашнинг моҳияти шундан иборатки, деривативлар бозорида битим тузилади, унинг даромади асосий активнинг даромадлилиги билан салбий боғлиқ бўлади. Нархнинг ҳар қандай ўзгариши сотувчи ва харидорга бир бозорда фойда келтиради, бошқа бозорда эса йўқотиш.

Шундай қилиб, хеджирлаш келажақда нархни тузатишга имкон беради. Деривативлар бозори воситаларидан фойдаланиш нафақат нархни, балки валюта, кредит ва бошқа рискларни ҳам сұғурта қилиш имконини беради. Хеджирлаш орқали инвестиция хатарларини минималлаштириш мураккаб жараён бўлиб, инвесторнинг юқори малакасини талаб қиласди.

Шундай қилиб, инвестор ўз йўлида турли хил активларга дуч келади, уларнинг ҳар бири ўзига хос риск даражасига эга. Юқори даражадаги рискка эга бўлган активдан инвестор юқори даромад кутади. Компаниянинг ташқи ва ички муҳитида мавжуд бўлган рискларнинг сабабларини аниқлашда тизимли ёндашувдан фойдаланиш, шунингдек уларни таҳлил қилишнинг энг яхши усулларини танлаш компанияга самарали рискларни бошқариш тизимини яратишга имкон беради. Лойиҳани танлашда уни мавжудлари билан биргаликда ўрганиш лозим. Рискни минималлаштириш учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бундай хизматларни тақдим этиш танланади, унга бўлган талаб қарама-қарши йўналишда ўзгаради, яъни битта маҳсулотга (хизматга) талабнинг ошиши билан бошқа маҳсулотларга бўлган талаб камаяди (ишлаб чиқаришга инвестицияларни диверсификация қилиш). Рискка асосланган молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш ва ҳисобга олиш лозим, бу эса айнан риск менежментининг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак.

Энди тадқиқ мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб Андижон шаҳридаги “Новатор” МЧЖ корхонаси томонидан амалга оширилиши режалаштирилган инвестицион лойиҳа мисолида лойиҳа бўйича рискларнинг режалаштирилаётган фойдага таъсирини таҳлил қиласмиз (2.5-жадвал).

2.5- жадвал

“Новатор” инвестиция лойиҳасида режалаштирилган фойданинг рискка таъсиричанлик даражаси таҳлили³⁴, (млн. АҚШ долл.да)

| Кўрсаткичлар | 2016 йил. | 2017 йил. | 2018 йил. | 2019 йил. | 2020 йил. | 2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши |
|-----------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--|
| Реализациядан тушум | 40,9 | 71,7 | 160,3 | 99,4 | 60,2 | 147,2 % |
| Таннарх | 19,3 | 32,5 | 68,3 | 57,2 | 43,6 | 225,9 % |
| Ялпи фойда | 21,6 | 39,2 | 92,0 | 42,2 | 16,6 | 76,8 % |
| Асосий фаолиятдан олинган фойда | 15,9 | 27,8 | 75,2 | 25,3 | 0,0 | 0,0 % |
| Бошқа фаолиятлардан олинган фойда | 0,1 | 0,2 | 2,4 | 3,7 | 2,1 | 2,1 марта |
| Ягона солиқ тўлови* | 5,5 | 7,2 | 21,0 | 10,0 | 4,9 | 89,1 |
| Жорий йилнинг соғ фойдаси | 6,2 | 18,1 | 41,9 | 18,9 | 0,0 | 0,0 % |

*2020 йилдан қабул қилинган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан корхона йиллик оборотини инобаттга олиб фойда солиги ва ҚҚС тўловчиси хисобланади

2.5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016-2020 йилларда “Новатор” МЧЖда инвестицион лойиҳа учун режалаштирилаётган фойданинг рискка таъсиричанлик даражаси таҳлили учун барча молиявий кўрсаткичлар динамик хусусиятга эга. 2018-2020 йилларда кузатилган тушум ҳажми, ялпи фойда, асосий фаолиятдан фойда кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси унинг сабабларини пухта ўрганишни талаб этади. Ушбу ҳолат, “Новатор” МЧЖ фаолиятидаги рискларнинг ва айниқса операцион рискнинг фойдага таъсири паст даражада эканлигидан далолат беради ва рискларни бошқариш самарадорлиги нуқтаи-назаридан уни ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

³⁴ “Новатор” инвестиция лойиҳасининг техник-иктисодий асосномаси маълумотларидан фойдаланган холда муаллиф томонидан шакллантирилган

2.3. Тадбиркорлик субъектларида рискларни бошқариш тизими асосида инновацион ва инвестициин фаолият самарадорлиги.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг рисклар билан боғлиқ ҳолдаги ривожланиш қонуниятларини хусусиятловчи динамикада соф фойда қийматининг ўртача йиллик қўшимча ўсишини аниқлаш ҳамда унинг назарий даражасини ўрганиш учун соф фойда қийматининг динамик қаторларини текислаш амалга оширилади.

Динамик қаторларни силлиқлаш методи ёрдамида ҳодиса ва жараёнлардаги умумий тенденцияни аниқлаш учун, аввало, эмпирик (бошлангич) маълумотлар бўйича ҳаракатланувчи (сирғанчик) ўртачаларни хисоблаш зарур.

Қайд қилинганлардан фойдаланган ҳолда Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматининг динамик қаторини текислашни амалга оширамиз (2.6-жадвал). Бу ерда З аъзоли сирғанчик ўртачани қўллаймиз.

Бунинг учун учта ҳад қўшилиб учга бўлинади, иккинчи ўртачани аниқлашда биринчи ўртачанинг биринчи ҳади тушириб қолдирилади ва унинг ўрнига навбатдаги тўртинчи ҳад қўшилиб олинган натижа яна учга бўлинади ва х.к. 2.4.1.-жадвалнинг 8 устунида уч йиллик сирғанчик ўртачаларининг миқдорлари келтириб, улар қуйидаги формула орқали аниқланган:

$$\bar{y}_i = \frac{y_{i-1} + y_i + y_{i+1}}{3} \left(\text{мисол, } \bar{y}_{2011} = \frac{0,86 + 0,98 + 1,36}{3} = 1,07 \right)$$

**Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматининг
динамикаси (млрд.сўм).**

| Йиллар | Соф фойда қиймати, y_i | t-давр | t_i^2 | t_i^4 | $y_i \cdot t_i$ | $y_i \cdot t_i^2$ | $y_i \cdot t_i^4$ | Уч йиллик ўртча |
|-------------|--------------------------|-----------|------------|--------------|-----------------|-------------------|-------------------|-----------------|
| A | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 2010 | 0,86 | 1 | 1 | 1 | 0,86 | 0,86 | 0,86 | |
| 2011 | 0,98 | 2 | 4 | 16 | 1,96 | 3,92 | 15,68 | 1,07 |
| 2012 | 1,36 | 3 | 9 | 81 | 4,08 | 12,32 | 110,16 | 1,31 |
| 2013 | 1,58 | 4 | 16 | 256 | 6,32 | 25,28 | 404,48 | 2,2 |
| 2014 | 3,67 | 5 | 25 | 625 | 18,35 | 91,75 | 2293,75 | 2,64 |
| 2015 | 3,97 | 6 | 36 | 1296 | 23,82 | 142,92 | 5145,12 | 3,43 |
| 2016 | 2,65 | 7 | 49 | 2401 | 18,55 | 129,85 | 6362,65 | 4,73 |
| 2017 | 7,57 | 8 | 64 | 4096 | 60,56 | 484,48 | 31006,72 | 6,07 |
| 2018 | 7,99 | 9 | 81 | 6561 | 71,91 | 647,19 | 52422,39 | |
| Жами | 30,63 | 45 | 285 | 15333 | 206,41 | 1538,57 | 97761,81 | |

Манба: Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган

Тадқиқ мақсадидан келиб чиқиб, омилларнинг натижага тъсирини баҳолаш учун динамик қаторларни текислашни амалга оширамиз. Бу усульнинг асосий мазмуни бўлиб, ривожланишнинг асосий тенденцияси вақт (\bar{Y}_t) функцияси сифатида ҳисобланишида намоён бўлади.

Бунинг учун ўзгаришнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда тўғри чизиқли ($\bar{Y}_t = a_0 + a_1 t$) ва иккинчи тартибли парабола ($\bar{Y}_t = a_0 + a_1 t + a_2 t^2$) тенгламаларидан фойдаланилади, бу ерда a_0, a_1, a_2 – параметрлар; t – йилларнинг тартиб рақами.

Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар асосида аналитик текислаш натижалари, яъни юқорида келтирилган 2.4.1.-жадвалдан фойдаланиб, дастлаб $\bar{Y}_t = a_0 + a_1 t$ тўғри чизиқли тенгламанинг параметрларини ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum t^2 \sum y - \sum t \sum yt}{n \sum t^2 - \sum t \sum t} = \frac{3,06 * 285 - 45 * 2,06}{9 * 285 - 45 * 45} = 1,44$$

$$a_1 = \frac{n \sum yt - \sum t \sum y}{n \sum t^2 - \sum t \sum t} = \frac{9 * 2,06 - 45 * 2,06}{9 * 285 - 45 * 45} = -0,14$$

У ҳолда түғри чизиқли тенглама қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\bar{Y}_t = 1,44 - 0,14 * t$$

a_1 — параметр регрессия коэффициенти бўлиб, ривожланиш йўналишини аниқлайди. Агар $a_1 > 0$ бўлса, динамик қаторнинг ҳадлари бир текисда ўсиб боради, агар $a_1 < 0$ бўлса, улар камайиб боради.

Андижон шахридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматининг текисланган динамик қатори самарадорлигининг йиллик 0,14 бирликка камайишини ўрнатиш имкониятини беради.

Кўп ҳолларда чизиқли тенгламадан кўра, бошқа кўринишдаги тенгламалар жумладан, квадрат тенглама ёки бошқа тенглама бўйича аниқланган ҳисоб-китоблар аникроқ бўлиш эҳтимоли мавжудлигидан соф фойда қийматининг текисланган динамика қаторини квадрат тенглама орқали ифодаланишини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

$$a_0 = \frac{\sum t^4 \sum y - \sum t^2 y \sum t^2}{n \sum t^4 - \sum t^2 \sum t^2} = \frac{15333 * 3,06 - 15,3 * 285}{9 * 15333 - 285 * 285} = 0,75$$

$$a_1 = \frac{\sum ty}{n \sum t^2} = \frac{2,06}{9 * 285} = 0,0008$$

$$a_2 = \frac{n \sum t^2 y - \sum y \sum t^2}{n \sum t^4 - \sum t^2 \sum t^2} = \frac{9 * 15,3 - 3,06 * 285}{9 * 15333 - 285 * 285} = 0,013$$

Шундай қилиб, парабола тенгламаси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\bar{Y}_t = 0,75 + 0,0008 * t - 0,013 * t^2.$$

Соф фойда қийматининг ўсиш динамикасига омиллар таъсирини аниқлаш учун умумий, тасодифий ва омилли дисперсияларни ҳисоблаймиз: у

$$\sigma_{ym}^2 = \frac{\sum (\bar{y}_i - y_i)^2}{n} = \frac{3}{9} = 0,33; \quad \sigma_{ym} = \sqrt{0,33} = 0,57$$

$$\sigma_{mac}^2 = \frac{\sum (y_i - \bar{y})^2}{n} = \frac{2,8}{9} = 0,31; \quad \sigma_{mac} = \sqrt{0,31} = 0,56$$

$$\sigma_{\text{омил}}^2 = \sigma_{\text{ум}}^2 - \sigma_{\text{mac}}^2 = 0,33 - 0,31 = 0,02; \quad \sigma_{\text{омил}} = \sqrt{0,02} = 0,14$$

У ҳолда детерминация коэффициенти тенг:

$$K_{\text{детер.}} = \frac{\sigma_{\text{омил}}^2}{\sigma_{\text{ум}}^2} = \frac{0,02}{0,33} = 0,06$$

Тасодифий дисперсия коэффициенти тенг:

$$\frac{\sigma_{\text{mac}}^2}{\sigma_{\text{ум}}^2} = \frac{0,31}{0,33} = 0,94$$

Олинган натижалар шундай далолат берадики, ўрганилаётган даврда соф фойда қийматининг ўсиш динамикасига турли тасодифий омилларнинг таъсири 0,06 фоизни (1-0,94) ташкил этган. Омил белгилар (ахборот тараққиёти таъсири, жалб қилинган инвестициялар қиймати, кредиторлик қарзлари, умумий даромад ва умумий харажатлар)га самарадорлик тебранишининг 94,0 фоизи боғлиқ бўлган.

Аналитик тенгламаларнинг параметрларини ҳисоблаш соф фойда қийматининг ўсиш натижалари кўрсаткичларини прогноз қилиш имкониятини беради.

2.7-жадвал

Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойдаси қийматининг аниқланган тенгламалар бўйича ўсиш прогнози(млрд. сўм)

| Йиллар | Тўғри чизиқли тенглама бўйича | Квадрат тенглама бўйича |
|---------------------|-------------------------------|-------------------------|
| 2022 (прогноз t=10) | 0,01 | 0,01 |
| 2023 (прогноз t=11) | 0,38 | 0,27 |
| 2024 (прогноз t=12) | 0,41 | 0,29 |
| 2025(прогноз t=13) | 0,44 | 0,32 |
| 2026 (прогноз t=14) | 0,47 | 0,34 |
| 2027 (прогноз t=15) | 0,35 | 0,24 |

Манба: Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

2.7-жадвал маълумотларига кўра, иккинчи тартибли парабола бўйича аниқланган прогнози тўғри чизик бўйича соф фойда қийматининг ўзгариш прогнозига қараганда реаллироқдир. Аммо унутмаслик керакки, ҳар

қандай прогноз эҳтимоллик хусусиятига эга ва одатда ўзгармас социал-иқтисодий шароитларда амалга оширилади.

Энди Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ жамияти соф фойда қийматига бир қатор омилларнинг, жумладан: жалб этилган инвестициялар кўрсаткичи(ЖЭИ), кредиторлик қарзлари, умумий даромад ва умумий харажат кўрсаткичларининг таъсирида ўзгаришини кўриб чиқамиз. Ушбу кўп омили таъсири компьютернинг EXCEL дастури пакетларидан фойдаланиб, аниқлаш мумкин. Бунинг учун авваламбор, улар ўртасидаги корреляцион боғланиш талаб этилади.

2.8-жадвал

Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматига таъсири этувчи омилларнинг корреляцион боғланиши

| | <i>Соф фойда, Y</i> | <i>ЖЭИ, X1</i> | <i>Кредиторлик қарзлари, X2</i> | <i>Умумий даромадлар, X3</i> | <i>Умумий Харажатлар X4</i> |
|--------------------------|---------------------|----------------|---------------------------------|------------------------------|-----------------------------|
| Соф фойда, Y | 1 | | | | |
| ЖЭИ, X1 | 0,357237 | 1 | | | |
| Кредиторлик қарзлари, X2 | -0,29484 | -0,58449 | 1 | | |
| Умумий даромадлар, X3 | 0,994634 | 0,448958 | -0,36009 | 1 | |
| Умумий Харажатлар X4 | -0,11132 | -0,5065 | 0,805573 | -0,1812 | 1 |

Манба: Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган

2.8-жадвал маълумотларига кўра, соф фойда, кредиторлик қарзларига (-0,29484) ва умумий харажатларга (-0,11132)тескари боғланган бўлиб, кредиторлик қарзларини камайтириш ҳисобига соф фойда қийматини ошириш мумкин.

Энди ушбу аниқланган регрессия тенгламасини ишончлилиги ва аддекватлигини бир қатор мезонлар асосида текшириб чиқиш лозим.

1) Аниқланган натижага кўра, $R^2=0,9998567$ Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойдасининг дебиторлик, кредиторлик қарздорлиги ва умумий даромадлилик вариациясига боғлиқлиги 99,9 фоизни ташкил этди.

Аммо t-статистика мезони бўйича самарадорликнинг йигинди кўрсаткичи - 18,5845739 ва кредиторлик қарздорлик -1,2629575ҳисобланган қиймати озод кўрсаткичнинг сони $df = 9$ ва $\alpha = 0,05$ бўлганда га teng бўлиб, бу ўз навбатида бўлганлигидан ушбу икки омилни аниқланувчи регрессия тенгламасидан чиқариб юбориб, қолган икки омил билан биргалиқда регрессия тенгламасини тузиб оламиз. Унга кўра,

$$Y = 0,98 * X_1 + 0,13 * X_2 - 153,9$$

кўринишдаги $R^2=0,992276$ бўлганда соф фойда билан умумий даромад ва Харажатлар ўртасида регрессия тенгламаси ҳосил бўлади.

Бу ерда: Y -соф фойда,

X_3 - умумий даромадлар,

X_2 - умумий Харажатлар.

Аниқланган регрессия тенгламасини қолган мезонлар билан текширишда давом этамиз. F-Фишер мезони бўйича $\alpha=0,05$ ҳолат учун Фишер тақсимоти икки озод кўрсаткич: $k_1 = 9 - 1 = 8$ ва $k_2 = 9 - 2 - 1 = 6$ лардан иборат бўлиб, $F_{хисоб}=152,95 \geq F_{жадо}=4,15$ бўлганлигидан аниқланган регрессия тенгламаси ўринли бўлади.

Стюент мезонига асосан регрессия тенгламасини ишончлилигини текшириш учун ҳар бир параметрга мос келувчи t мезонлари ҳисобланиши талаб этилади унга кўра, $t_{x_1} = 31,9$, $t_{x_2} = 2,75$. Стюент тақсимотининг жадвалига кўра, озод кўрсаткичнинг сони $df = 8$ ва $\alpha = 0,05$ бўлганда га teng бўлиб, бу ўз навбатида тенгликни қаноатлантирганлигидан қўйида аниқланган регрессия тенгламасининг параметрлари 0,95 эҳтимол билан ишончли деб топилди.

Аниқланган регрессия тенгламасига кўра, ҳозирги шароитда, Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖда юз бирлик умумий даромаднинг ошириш эвазига соф фойдасини 98 бирликка ошириш ва харажатни юз бирликка ошириш ҳисобидан фойдани 13 бирлик ўсиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ фаолиятини самарадорликнинг ийинди кўрсаткичи, кредиторлик қарзлари, умумий даромад ва харажатлар каби кўп омилли эконометрик таҳлил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятининг жалб этилган инвестициялар кўрсаткичини ошириш мумкин эмас ва унинг ҳар бир - бирлик ҳисобидан жамият 0,07 бирлик зарап кўради. Шунингдек, акциядорлик жамияти кредиторлик қарздорлигини ҳам камайтириш лозим бўлиб, ҳар юз фоизга камайтириш ҳисобидан соф фойданинг 1,1 фоиз ошириши аниқланди.

Энди Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ фаолиятини танланган омиллар бўйича келгуси прогнозини аниқлаймиз. Бунинг учун авваламбор, корХона соф фойдаси билан танланган омиллар ўртасида регрессия тенгламаси тузиб олиб, омилларнинг вақтга боғлиқ ўзгариши орқали натижавий қийматни аниқлаш лозим.

$$\text{Жалб этилган инвестициялар } -X_1 = 408,2 + 327,19 * t$$

$$\text{Кредиторлик қарзлари } -X_2 = 383,2 + 63,7 * t$$

$$\text{Умумий даромадлар} - X_3 = 85,3 + 14,2 * t$$

$$\text{Умумий Харажатлар} - X_4 = 101 + 11,3 * t$$

Ушбу танланган омилларнинг вақтга боғлиқ регрессия тенгламаларидан фойдаланиб, қуидаги соф фойда ўзгаришини кўп омилли регрессия тенгламасига қўйиб, прогноз натижасини аниқлаш мумкин.

$$Y = -0,0041 * X_1 - 0,0011 * X_2 + 2,612 * X_3 + 0,072 * X_4$$

Аниқланган регрессия моделидан фойдаланиб Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ фаолиятининг истиқболдаги ҳолатини қуидаги 2.9-жадвалдан кўриш мумкин.

2.9-жадвал

Андижон шаҳридаги кўп тармоқли “XOLIS” МЧЖ фаолияти прогнози (млн. сўм)

| Йиллар | Соф фойда, Y | Жалб этиладиган инвестициялар, X1 | Кредиторлик қарзлари, X2 | Умумий даромадлар, X3 | Умумий харажатлар X4 |
|--------------------|---------------------|--|---------------------------------|------------------------------|-----------------------------|
| 2022 (прогноз, 10) | 0,857 | 3,680 | 1,020 | 2,087 | 1,995 |
| 2023 (прогноз 11) | 0,921 | 4,073 | 1,084 | 2,242 | 2,089 |
| 2024 (прогноз 12) | 0,984 | 4,335 | 1,148 | 2,356 | 2,237 |
| 2025 (прогноз 13) | 1,078 | 4,662 | 1,211 | 2,470 | 2,298 |
| 2026(прогноз 14) | 1,131 | 4,990 | 1,275 | 2,684 | 2,459 |
| 2027 (прогноз 15) | 1,214 | 5,316 | 1,339 | 2,798 | 2,500 |

Манба: Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган”

2.9-жадвал натижаларига кўра, Андижон шаҳридаги «XOLIS» МЧЖ фаолиятида 2027 йилга бориб, жалб этиладиган инвестициялар 5,316 млн. сўм, кредиторлик қарздорлиги 1,339 млн.. сўм, умумий даромад 2,798 млн.. сўм ва умумий харажатлар 2,5 млн. сўмга етган ҳолатда соф фойда 2022 йилга нисбатан 41,7 фоизга ошиб, 1,214 млн.. сўмга етиши кутилмоқда.

Тадқиқотимизнинг мазкур параграфи юзасидан қуидагиларни хуносави килиш мумкин:

1. Ривожланиш қонуниятларини хусусиятловчи динамикада самарадорликнинг ўртача йиллик қўшимча ўсишини аниқлаш ҳамда унинг назарий даражасини ўрганиш учун алоқа корхоналари соф фойдаси ўзгаришларининг динамик қаторларини текислаш амалга оширилади. Амалиётда трендни статистик ўрганишнинг энг кўп тарқалган методлари: интервал (давр) оралиғини кенгайтириш; сирғанчиқли ўртача; аналитик текислашдир.

Аналитик текислашда ўзгаришнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда тўғри чизиқли ($\bar{y}_t = a_0 + a_1 t$) ва иккинчи тартибли парабола ($\bar{y}_t = a_0 + a_1 t + a_2 t^2$) тенгламаларидан фойдаланилади.

2. Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматининг текисланган динамик қатори самарадорликнинг йиллик 0,03бирликка

ошишини ўрнатиш имкониятини беради. Олинган натижалар шундай далолат берадики, ўрганилаётган даврда соф фойда қийматининг ўсиш динамикасига турли тасодифий омилларнинг таъсири 0,06 фоизни (1-0,94) ташкил этган. Омил белгилар (ахборот коммуникацион технологиялар соҳасидаги инновацион тараққиёт таъсири, жалб этилган инвестициялар қиймати, кредиторлик қарзлари, умумий даромад ва умумий харажатлар)га самарадорлик тебранишининг 94,0 фоизи боғлиқ бўлган. Тадқиқот бўйича иккинчи тартибли парабола бўйича аниқланган прогноз тўғри чизик бўйича соф фойда қийматининг ўзгариш прогнозига қараганда реалроқ бўлиб, 2025 йилда Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қиймати 1,214млрд. сўмга тенг бўлиши кутилмоқда. Корхона соф фойда қийматини умумий даромад ва харажатлар билан боғлиқ регрессия тенгламаси орқали ҳозирги шароитда, “XOLIS” МЧЖда юз бирлик умумий даромаднинг ошириш эвазига соф фойдасини 98 бирликка ошириш ва харажатни юз бирликка ошириш ҳисобидан фойдани 13 бирлик ўсиш имконияти мавжудлиги аниқланди. “XOLIS” МЧЖ фаолиятини жалб этилган инвестициялар қиймати, кредиторлик қарзлари, умумий даромад ва харажатлар каби кўп омилли регрессион таҳлили натижаларидан келиб чиқсан ҳолда хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятининг “ҳар қандай шартларда жалб этилажак инвестициялар қиймати”ни ошириш мумкин эмас ва унинг ҳар бир- бирлик ҳисобидан жамият 0,07 бирлик зарар кўради. Шунингдек, акциядорлик жамияти кредиторлик қарзларини ҳам камайтириши лозим бўлиб, ҳар юз фоизга камайтириш ҳисобидан соф фойданинг 1,1 фоиз ошиши аниқланди.

Мазкур таъкидланган жиҳатлар тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш истиқболларида албатта инобатга олиниши зарур. Шу боисдан тадқиқотимиз якупловчи бобида уларни алоҳида ҳисобга олишга ҳаракат қилдик

2-боб бўйича хуроса:

1. Инновацион менежмент фан, техника иқтисодиёт, тадбиркорлик ва бошқарувни ўзида мужассампаштирган ягона жараёндир. Ушбу жараён корхона мақсадлари амалга ошиши учун янгиликларни жорий этиш мақсадида корхона ходимлари ва маблағларидан самарали фойдаланишини талаб этади. Инновацион менежмент корхонада тегишли инновацион муҳит ва ташкилий маданиятнинг яратилиши, янги ғояларни излаш, риск даражасини ҳисобга олиш каби ҳолатларга асосланади.

2. Рискларни минималлаштиришнинг қуидаги асосий усуллари мавжуд: диверсификация, хеджирлаш ва сугурта. Инвестицияларни сугурталаш - бу нақд пул эвазига сугурта ташкилоти салбий ҳодисалар юз берганда йўқотишларни қоплаш мажбуриятини оладиган жараён. Диверсификация - бу инвестиция хавфини минималлаштириш учун турли турдаги активларга пул маблағларини киритиш. Хеджирлаш - бу ҳосилавий молиявий воситаларни сотиб олиш ёки сотиш орқали инвестиция фаоллигини минималлаштириш усули.

3. Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ соф фойда қийматининг текисланган динамик қатори самарадорликнинг йиллик 0,03бирликка ошишини ўрнатиш имкониятини беради. Олинган натижалар шундай далолат берадики, ўрганилаётган даврда соф фойда қийматининг ўсиш динамикасига турли тасодифий омилларнинг тъсири 0,06 фоизни (1-0,94) ташкил этган. “XOLIS” МЧЖда юз бирлик умумий даромаднинг ошириш эвазига соф фойдасини 98 бирликка ошириш ва ҳаражатни юз бирликка ошириш ҳисобидан фойдани 13 бирлик ўсиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

4. Сифат жиҳатдан рискларни таҳлил қилиш содда ва қулай, унинг асосий мақсади рискларни сабабини аниқлаш, манбасини кўрсатиш ва пасайтириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат. Сифат жиҳатдан таҳлил кейинчалик бошқа изланишларга асос бўлади. Шунинг учун бизнес-режа тузиш босқичида кенг қўлланилади. Сифат жиҳатидан таҳлилни натижалари:

рискни сабабини аниқлаш, риск оқибатларини таҳлил қилиш, кўрилиши мумкин бўлган зарарни ўлчаш ва камайтириш йўлларини излаш, риск таъсирига тушувчи омилларни чегара кўрсаткичларини (минимум ва максимум) аниқлаш зарурдир ва шундагина аниқ натижага эришилиши мумкин.

**Ш-БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА РИСК МЕНЕЖМЕНТИ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

3.1. Тадбиркорлик субъектларида рақобатбардошликтин бошқариш стратегияси

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида рақобат бозор муҳитининг ажралмас қисмига айланди ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг зарур шарти бўлиб, унда тадбиркорлар сотишни кенгайтириш, бозор улушкини ошириш орқали ўз фаолияти мақсадларини - максимал фойдани таъминлаш учун мустақил равишда истеъмолчиларни қидирадилар. Янги шароитда рақобат тадбиркорларни бозорда самарали фаолият кўрсатишга мажбур қиласи, уларни истеъмолчиларга кенг турдаги товар ва хизматларни арzonроқ ва сифатлироқ таклиф қилишга мажбур қиласи.

Рақобатда ғалаба қозониш учун бозорда маълум устунликка эга бўлиш, маҳсулот (хизмат)нинг истеъмол хусусиятлари ёки уни бозорда илгари суриш воситалари соҳасида рақобатчилардан устунлик омилларини яратади олиш керак.

Рақобат устунликларини таъминлаш учун ҳар бир тадбиркорлик тузилмаси рақобат стратегиясини тўғри ишлаб чиқиши ва тўғри амалга ошириши керак. Рақобат механизмини тушуниш учун рақобатчиларни четлаб ўтиш мумкин бўлган сабабларни, яъни рақобатдош устунликларнинг сабаблари ва манбаларини тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Рақобат устунликларининг пайдо бўлиши маркетинг концепциясининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, у бозор билан алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали рақобатдош устунликларни шакллантириш жараёни, ташкилот ва истеъмолчиларнинг содиқлигига асосланувчи барқарор ривожланишни таъминлайдиган бундай рақобатдош устунликларни излаш билан бевосита боғлиқ.

Тадбиркорлик тузилмаларининг рақобатбардош стратегияларини шакллантириш учун ўзгарувчан иқтисодий муҳитда рақобатнинг хусусиятларини англаб етиш жуда муҳимдир. Бу хусусиятлар бир қатор омиллар таъсирида юзага келган. Улар, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш технологияларининг тез эскириши натижасида қарзга олинган технологиялардан фойдаланиш самарадорлигининг сезиларли даражада пасайиши кузатилаётган бир шароитда иқтисодиётни ривожлантиришда инновациялар ролининг ошиши билан боғлиқ. Бундай шароитда мустақил равишда инновацияларни яратиш қобилияти тадбиркорлик тузилмалари учун рақобатдош устунликларнинг асосий манбаига айланади. Шу билан бирга, ҳозирги замон шароитида, билимга асосланган иқтисодиёт даврида номоддий активлар асосида рақобатдош устунликларни қўлга киритишнинг янги стратегиялари пайдо бўлмоқда.

Яна бир муҳим омил - бу шиддатли технологик ўзгаришлар бўлиб, бу кўплаб тармоқларда, жумладан, инфратузилмада ишлаб чиқаришнинг минимал самарали кўламишининг пасайишига орқали янги ташкил этилган бозорларга кириш тўсиқларининг ҳам пасайишига олиб келди.

Ва ниҳоят, замонавий рақобатга таъсир кўрсатган учинчи омил - бу иқтисодий глобаллашув бўлиб, унинг энг муҳим кўриниши миллий чегаралардан ташқарида кўплаб тармоқларда тадбиркорлик тузилмалари учун бозор бўшлиқларининг кенгайиши эди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, янги шароитларда рақобат бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

- тадбиркорлик тузилмаларининг истеъмолчиларнинг чекланган самарали талаби учун қурашига оид иқтисодий жараёндир;
- ҳаёт циклининг барча босқичларида маҳсулотларнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини такрор ишлаб чиқариш тизимида ўзини намоён қиласади;

- бозор муносабатларининг асосий таркибий қисми бўлиб, уларга хос бўлган маркетинг элементларининг умумийлигини белгилайди;
- иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларининг асоси бўлиб хизмат қиласиди;
- бозор субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг табиити ва шаклларига таъсир қиласиди;
- республика ва вилоят миқёсидағи муаммоларни келтириб чиқаради;
- тадбиркорлик тузилмалари учун бозор рақобатининг дастаги ва воситаси сифатида уларнинг рақобатбардошлиги майдонга чиқади.

Тадқиқот шуни кўрсатдик, ҳар хил турдаги рақобат стратегияларига амал қиласидиган тадбиркорлик тузилмалари фаолияти алоҳида, бошқаларидан узилган ҳолда эмас, балки бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ягона тизимни ташкил қиласиди. Шу билан бирга, улар ўртасидаги айнан рақобатли ўзаро таъсир тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий хулқини белгилайди.


Ҳар бир компания бозорда рақобатчиларга қарши курашда ўзи ҳимоя қила оладиган сегментни эгаллайди ва бозорда омон қолиш учун унинг рақобатбардошлиқ мавқеини мустаҳкамлаш зарур.

Ҳозирги босқичда рақобат шакли ва мазмун-моҳияти ўзгармоқда - бу тушунча бир маъноли эмас ва турли шаклларда мавжуд. турли ёндашувлар ва

Ҳозирги вақтда замонавий илмий адабиётларда мавжуд бўлган «ракобат» тушунчасининг мазмунини изоҳлашга турли ёндашувлар ва таснифлаш хусусиятларини ўрганиш шундан далолат берадики, рақобатнинг бундай хилма-хиллиги рақобат тоифасининг турли хил талқинларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдиради.

Рақобатнинг табиий натижаси сифатида рақобат устунлиги майдонга чиқади ва у - қимматли, аммо ягона бўлмаган ресурсларга эга бўлиш эвазига баъзи рақобатчиларнинг бошқалардан устунлигини ифодалайди. Рақобат устунликлари турларининг муаллиф таснифи 3.1-расмда келтирилган.

3.1. жадвал



3.1-расм. Бозор муҳитида тадбиркорлик тузилмалари рақобат устунликларининг турлари*.


*Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот натижалари шуни тасдиқлайдики, рақобат устунликларини таъминлашнинг бош мезони тадбиркорлик тузилмасининг у ёки бу тармоқга тегишлилиги билан эмас, балки унинг фаолияти мазмуни билан боғлиқдир.

Бозорда рақобат кучайиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмларнинг мураккаблиги натижасида, тадбиркорлик тузилмаларининг рақобат устунликларини шакллантиришга стратегик ёндашувларни ишлаб чиқишининг долзарбилиги ортиб бормоқда.

Тадбиркорлик тузилмаларининг ички ва ташқи муҳит омиллари ўзининг кўплиги (3.2-расм) ва юқори динамиклиги билан тавсифланадики, ушбу ҳолат унинг рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатади.

3.2 расм



3.2-расм. Тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар*

*Муаллиф ишланмаси.


Ушбу ҳолатда *тадбиркорлик тузилмаси рақобатбардошилиги* сифатида маълум бир вақтда бозорнинг танланган сегментларида унинг бошқаларга зарар етказмасдан эришган рақобат устунлиги, ўзига хос маҳсулотлари ва хизматларининг сифат ва нарх аналоглари жиҳатидан устун бўлган рақобат устунликлари тушунилади ва у тадбиркорлик тузилмасининг келажакда ривожланиш, ишлаб чиқариш, бозорга чиқариш қобилиятини тавсифлайди.

Тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири – улар фаолиятидаги рискларни самарали бошқариш бўлиб, ушбу жараён тадбиркорлик фаолиятининг барча рисклари кўринишларини тадқиқ этишни талаб қиласди.

Мазкур билдирилган фикрлар, тадбиркорлик фаолиятининг хўжалик рисклари профилларини кенгайтирилган таснифини тасаввур этиш имконини беради. Мазкур рисклар профиллари Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг ҳозирги замон иқтисодий шароитларини ва рисклар таъсирида уларнинг нобарқарор ҳолатини акс эттиради (2-Илова).

2-Иловада келтирилган риск профиллари тадбиркорлик тузилмаларининг ҳам жорий фаолиятидаги ҳам уларнинг тараққиётидаги нобарқарорликни таъминлайди, чунки рискларнинг аксарият қисми объектив ҳусусиятга эга ва уларни нейтраллашнинг деярли имкони йўқ. Бу ҳолат тадбиркорлик тузилмаларининг риск шароитидаги фаолият юритишлари механизмини яратишга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Диссертацион тадқиқотимизнинг юқоридаги икки бобида олинган натижаларга таяниб, рискларнинг тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига таъсирининг даражаси ва йўналишларини баҳолашга имкон берувчи бошқарув таъсирининг кетма-кетлигига оид тавсия ҳамда бошқарув қарорларининг қабул қилиниши жараёнида уларни ҳисобга олиш ва ресурлар билан таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши муҳимдир (3.3-расм).



*3.3-расм. Тадбиркорлик субъектларида риск менежментини баҳолаш ва стратегик режасини ишлаб чиқиша бошқарув Харакатлари концептуал кетлиги. *муаллиф ишланмаси.

Ушбу расмда намойиш этилган блоклар (босқичлар) ҳар бирининг ижроси тегишли усуллар ва воситалардан фойдаланиши талаб қиласди. Уларнинг ягона тизимга бирлаштирилишини тадбиркорлик тузилмаларининг риск ва мавхумлик шароитидаги фаолият юритишларининг бутун механизми сифатида олиб қарашни талаб этади.

Мазкур яхлит механизм нафақат рискларнинг турли кўринишлари (тегишли профилларда баён этилган)ни бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайтиришга имкон беради, балки шу билан бирга мазкур рискларни тадбиркорлик тузилмасининг рақобатли бозордаги фаолияти ва ривожланиши учун ижобий таъсир сифатида самарали фойдаланиш имконини беради.

3.2. Риск менежментини тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш

“Ўз-ўзини тартибга солувчи жамият” га босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпроқ эркинлик ва мустақилликка эга бўлиши билан боғлик. Бу шуни англатадики, корхоналар, шунингдек, уларнинг таъсисчилари ва акциядорлари ресурсларни йўқотиш, кўзланган даромадларнинг олинмаслиги, ишлаб чиқаришни тўхтатиш ёки банкротлик хавфини ҳис этадилар ва қабул қилинган бизнес қарорлари учун жавобгарлик бутунлай тадбиркорлар ёки менежерлар зиммасига тушади. Бозор иқтисодиёти шароитида риск ҳар қандай иқтисодий муносабатларнинг ажralmas атрибутидир.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги даврида корхонанинг барқарор фаолият юритиши учун шарт-шароитларни заифлаштирувчи хавф омилларининг сони ва хилма-хиллиги ортиб бормоқда, шу сабабли рискларни бошқариш функцияси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва унинг иқтисодий

хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари хавф омилларидан бирига айланиб бормоқда.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз тадбиркорлик тузилмалари амалиёти изчил ташкил этилган риск менежменти тизимиға эга эмас ва факат энг муҳим рискларга нисбатан мумкин бўлган йўқотишларни камайтириш ва молиялаштиришнинг маълум усулларигина қўлланилади. Рисклардан ҳимоя қилишнинг самарали натижасини фақат риск менежменти усулларидан комплекс фойдаланиш ва яхлит, тўлиқ рискларни бошқариш жараёнининг услубий жиҳатдан тасдиқланган муолажаларини амалиётга татбиқ этиш билан олиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти кўплаб ташқи муҳит омиллари билан ўзаро таъсирда ишлайди ва унинг фаолияти бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхонага хос бўлган қутилмаган йўқотишлар хавфи билан боғлиқ. Бироқ, тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг қўп тармоқлилиги, фаолият кўрсатишнинг ҳудудий асослари ва улар молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари нафақат асосий риск ҳолатларининг ўзига хос хусусиятларини, балки уларни самарали бошқарувни ривожлантириш учун аҳамиятсиз бўлмаган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам белгилайди.

Тизимли рискларни бошқаришни ташкил этишнинг замонавий тажрибасини тадқиқ қилиш ва мослаштириш бизнес тузилмаларида рискларни бошқаришга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун зарур.

Риск менежменти тизимининг самарадорлиги қўп жиҳатдан рискларни минималлаштириш ва молиялаштириш чораларини тўғри, оқилона танлаш билан белгиланади. Шу билан бирга, макроиктисодиёт нуқтаи-назаридан сугурта ташкилотларини жалб қилган ҳолда рисклардан ҳимоя қилишни таъминлаш корхонада рискларни бошқаришнинг бошқа усулларига нисбатан энг тежамкор усул ҳисобланади. Бироқ, микро даражада сугурта қилиш

зарурати ва имконияти барча хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан бирдай имкониятларга эга эмас.

Корхонанинг барча рискларини молиялаштириш усулларидан бири сифатида суғурта самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ўрганиш суғурта бозорида рақобат кучайиб бораётгани ва бунинг натижасида контрагент-суғурталовчилар ва суғурта маҳсулотларини танлаш имкониятларининг ортиши, шунингдек, рискни қоплашнинг муқобил варианtlари мавжудлигини назарда тутувчи рискларни бошқариш воситалари тўпламининг кенгайиши муносабати билан янада долзарбдир.

Миллий суғуртанинг назарияси ва амалиётида суғурталовчи томонидан суғурта операциялари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари кенг маълум ва амалда қўлланилади. Суғурталанган шахс нуқтаи-назаридан суғурта операциясининг самарадорлиги кўпинча мутахассислар эътиборидан четда қолади. Суғурта самарадорлиги кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш риск менежери ва корхона раҳбари (суғурталанган) учун шакллантирилган суғурта портфелининг мақбуллигини баҳолаш ва умуман, рискларни бошқариш дастурига тузатишлар киритиш учун зарурдир. Бинобарин, рискни бошқариш зарурати узок муддатда кучли рақобатдош позицияни эгаллашга интилаётган ҳар қандай тадбиркорлик субъекти учун муваффақиятнинг асосий омилига айланади. Буни англаш рискларни бошқариш муаммоларини батафсил назарий ўрганишга, анъанавий бошқарув функцияларидан бири сифатида рискларни бошқаришнинг умумий маданиятини оширишга, ушбу тадқиқот натижаларини амалий самара майдонига айлантириш, рискларни бошқариш усуллари тизимини хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик амалий фаолиятига мослаштириш зарурлигини тушунишга олиб келади.

Рискларни бошқариш усулларининг таснифи ҳозирда бир маъноли эмас. Баъзан рискларни бошқаришнинг бир хил усуллари муаллифлар томонидан турлича талқин қилинади, бу эса муайян усулларни у ёки бу гурухга таснифлашнинг асосий мезонларини аниқлашга имкон бермайди. Тавсия

этилган рискларни бошқариш усулларини таснифлаш қуйидаги мезонларга асосланади. Рискларни бошқаришнинг барча усулларини рискнинг олдини олиш воситаларига бўлиш мумкин, улар риск бўйича фундаментал қарорларни қабул қилишни ўз ичига олади: қочиш, тарк этиш ёки ўтказиш; йўқотиш эҳтимоли ёки миқдорини камайтиришга қаратилган рискни камайтириш усуллари; қўшимча маълумотларга эга бўлиш ва рискка мақсадли таъсир кўрсатиш имконини берадиган рискни қоплаш усуллари (мониторинг, режалаштириш ва ҳ.к.)

Рискларни бошқаришга тизимли ёндашув корхонанинг ташқи ва ички муҳитининг муҳим таркибий қисмларининг мажмуини, шу жумладан кўп мезонларни қамраб оловчи муҳитни ҳисобга олишни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, молия-хўжалик фаолиятида риск омилини ҳисобга олиш ва баҳолашнинг самарали ва универсал жараёнидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси учун ижобий тенденция бўлади.

Кейин эса, корхонани ривожлантириш стратегиясини шакллантиришга юқори сифатли тизимли ёндашувни амалга ошириш учун муҳим бўлган умумий бошқарув ва рискларни бошқариш ўртасидаги муносабатларни аниқлаш керак.

Аввало, ҳар қандай тадбиркорлик тузилмасининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ рисклар мажмуасининг синергик таъсирини таъминловчи омилларни кўриб чиқамиз, улар тизимга хавфларни бирламчи киритиш имконини беради (3.1-жадвал).

Рискларнинг ўзаро боғлиқлиги ва омилларнинг бирламчи аҳамияти тақдим этилган элементларнинг тузилиши билан белгиланади, шунингдек, муаллиф томонидан Андижон вилояти тадбиркорлик тузилмалари бўйича ўтказилган статистик тадқиқот билан тасдиқланган (натижалар диссертациянинг 2.1.параграфида келтирилган).

Барча белгиловчи асосий элементлар тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг ташқи ва ички муҳити билан бевосита боғлиқдир. Бу ерда

шуни таъкидлаш жоизки, фақат корхонани ташқи ва ички муҳит билан боғлайдиган ахборот оқимларининг интеграцияси орқали кирувчи маъумотларнинг ишончлилиги ва мунтазамлиги рискларни бошқаришининг самарали жараёнини таъминлайди, бу инвестиция фаолияти ва умуман молиявий ҳолатни сифат жиҳатидан яхшиланиши мумкин бўлган кўрсаткичлар тизимини яратишга имкон беради.

3.1-жадвал.

Тадбиркорлик тузилмаларининг ташқи ва ички риск омиллари ва уларни баҳолаш хусусиятлари*

| Ташқи омиллар | Ички омиллар |
|--|---|
| <p>Умумиқтисодий:</p> <p>миллий (минтақавий) даромаднинг пасайиши ва саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши (саноат риски), инфляциянинг ошиши (инфляция риски), миллий валютанинг қадрсизланиши (ёки ўсиши) (валюта риски) тўловлар айланмасининг секинлашиши; солик тизимиning бекарорлиги, аҳолининг реал даромадлари даражасининг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши</p> <p>Бозор-минтақавий:</p> <p>ички бозор сигимининг қисқариши; тўловлар айланмасининг секинлашиши; бекарор солик тизими;</p> <p>аҳолининг реал даромадлари даражасининг пасайиши;</p> <p>ишсизликнинг ортиши;</p> <p>бозорда монополияни кучайтириш; талабнинг сезиларли даражада пасайиши;</p> <p>фаол фонд бозорининг пасайиши;</p> <p>кредит ресурслари бўйича юкори фоиз ставкалари;</p> <p>бозор маълумотларининг мавжуд эмаслиги.</p> <p>Бошқалар:</p> <p>сиёсий бекарорлик;</p> <p>салбий демографик тенденция;</p> <p>табиий оғатлар ва табиат катаклизми;</p> <p>жиноятчилик ҳолатининг ёмонлашиши (коррупциянинг ўсиши);</p> <p>коњюктура ва бозор инфратузилмасининг самарасиз ривожланиши.</p> | <p>Валюта риски (валюта ва/ёки экспорт-импорт операциялари бўйича йўқотишларни баҳолаш нуқтаи назаридан ички риск сифатида харакат килиши мумкин);</p> <p>Банк риски (тартибга солинадиган тартибда баҳоланадиган банклар билан ўзаро муносабатлардаги бозор, операцион, кредит рискларини ўз ичига олади);</p> <p>Суғурта риски (суғурта тўловлари хажми билан ўлчанади),</p> <p>Тижорат риски (савдо операциялари (операциялари)даги йўқотишлар),</p> <p>Кредит риски (карзларни қайтармаслик риски, кредит операциялари бўйича йўқотиш даражаси, леверидж риски, молиявий левериджнинг салбий таъсири);</p> <p>Молиявий барқарорлик риски (капитал тузилмаси риски: ўз айланма маблағларининг етишмаслиги, молиялаштириш манбалари, активлар риски, дебиторлик қарзларининг ўсиши);</p> <p>Банкротлик риски - комплекс (ликвидлик ва молиявий барқарорликни йўқотиш риски, мол-мулкни йўқотиш, қарзни тўламаслик хавфи, банкротликнинг экспресс ва фундаментал диагностикасининг кўплаб моделлари билан ўлчанади);</p> <p>Ахборот риски (маълумотларнинг етишмаслиги / нотўғрилиги риски);</p> <p>Портфел риски (портфелдаги активларни нотўғри танлаш риски, кимматли қофозлар билан операцияларни амалга ошириш риски).</p> |

*Муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, мавжуд таркибий муносабатлар бошқарув моделларида синергик усуллар ва муолажаларни қўллаш имконини беради, бу эса рискларни бошқариш тизимини жорий этиш самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, рискларни бошқариш даражаси турли омиллар гурухларида сифат жиҳатидан фарқ қиласи. Шундай

қилиб, корхона ташқи омилларни амалда бошқаришга қодир эмас, бундан ташқари, уларнинг баъзилари қонуний чегаралардан ташқарига чиқади ва тегишли маҳсус ташкил этилган давлат органлари ва хизматлари фаолияти натижаларига кўра минималлаштирилиши керак (масалан, криминоген (коррупцион)risk).

Бу, шунингдек, бозор томонидан ўрнатилган минтақавий riskнинг интеграл рейтинг параметрини муаллиф томонидан ишлаб чиқилган усулларда қўллаш самарадорлигини тасдиқлайди, уни оптималлаштириш фақат баҳолаш механизмини такомиллаштириш асосида амалга олирилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганларни умумлаштириш натижасида тадбиркорлик тузилмасининг risk тизими니 шакллантиришни бизнес-жараённи амалга ошириши позициясидан ва risk менежменти элементларининг комбинациясидан бошқарилиши мумкин бўлган концептуал ёндашувни шакллантириши ва уни молиявий-хўжалик фаолиятининг ташқи ва ички муҳитининг ўзаро боғлиқ risk омилларининг оптималлаштирилган мажмуи сифатида ифодалаши мумкин.

Risk тизимини оптималлаштиришни моделлаштириш методологиясини тури соҳалар ва фаолият соҳалари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларнинг йўналиши корхоналари учун универсал деб белгилаш мумкин. Оптималлаштиришнинг якуний маҳсулоти riskларни бошқаришга тизимли ёндашувнинг бир қисми сифатида шакллантирилган корхонанинг стратегик мавқеини баҳолашнинг универсал модели обьектлари бўлиб хизмат қиласиган маълум миқдордаги riskлар бўлади.

Riskлар портфели (маълум бир корхона riskлари мажмуи) қанчалик кам таркибий қисмларни ўз ичига олса, мураккаб мақсадли оптималлаштириш механизmlарини яратиш орқали risk тизимини бошқариш шунчалик осон бўлади.

Шундай қилиб, risk назарияси учун riskларни бошқаришнинг янги обьекти сифатида белгиланиши мумкин бўлган ва қўйидаги сифатли ўзига хос

тавсифларга эга бўлган **корхона риск тизими**нинг муаллифлик моделини шакллантиришга концептуал ёндашувнинг моҳиятини аниқлаймиз:

- давлат ва ҳудудларнинг молия тизими билан боғлиқ бўлади;
- корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг ташқи ва ички муҳитининг ўзаро боғлиқ риск омиллари мажмуидир;
- ҳар томонлама баҳолаш, бизнес-жараённи амалга ошириш ва стратегик ёндашув доирасида рискларни бошқариш элементлари мажмуи нуқтаи-назаридан бошқарилиши мумкин (муаллиф томонидан киритилган иқтисодий таҳлил йўналишининг объекти - риск тизими стратегик-иқтисодий таҳлили);
- оптималлаштирилган омиллар мажмуи – тадбиркорлик тузилмаси рискларини бошқариш обьектлари, яъни рискларни таҳлил қилишнинг муҳим омилларини чеклаш ва аниқ микдорий асослашни, шунингдек уларни мураккаб стратегик параметрлар ва мақсадли мезонларга интеграциялашувини ўз ичига оладики, бу уларнинг ўртacha бозорнинг минтақавий ва тармоқ омилларига мувофиқлигини ва рисклар даражаси бўйича ҳар томонлама стратегик позицияни аниқлашга ва натижада таҳлил қилиш вақтини қисқартиришга имкон беради.

Энди тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги ички рисклар кенгайтирилган тавсифи билан танишамиз (3-Илова).

Рискларни баҳолаш муолажаси қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) Келтирилган ҳар қайси рискларни баҳолаш;
- 2) Рискларни интеграл баҳолашни амалга ошириш;
- 3) Ички рисклар таъсир кучини аниқлаш;
- 4) Рискларга қаршилик кўрсатиш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши.

Мазкур босқичларни кўриб чиқамиз. Биринчи босқичда ажратиб кўрсатилган ҳар бир рискларнинг таъсир кўрсатиш даражасини баҳолаш лозим. Ушбу тадбирни амалга ошириш учун маҳсус ишлаб чиқилган баҳолаш шкаладан фойдаланиш таклиф этилади (3.2-жадвал).

3.2-жадвал.

Тадбиркорлик таркибига ички рисклар таъсир кўрсатиши даражасининг шкаласи*

| Шкала | Шкала даражаси | Шкала даражасининг тавсифи |
|-------|----------------------|---|
| 1. | Аҳамиятсиз. | Рисклар сезиларли таъсирининг мавжуд эмаслиги. Зудлик билан инобатга олиш заруратининг йўқлиги |
| 2. | Кичик | Рискларнинг кучсиз таъсири. Уларни мониторинг қилиш тавсия этилади |
| 3. | Ўрта | Рискларнинг аста-секинлик билан таъсир эта бошлиши. Уларни бартараф этишга ёки агар бартараф этишнинг иложиси бўлмаса унинг таъсирини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилишини талаб этиади |
| 4. | Юқори | Рискларнинг сезиларли таъсири. Улар таъсирига оид зудлик билан чоралар кўриш, тадбиркорлик субъектлари ишлаш принципларига ўзгартеришлар киритиш талаб этилади. |
| 5. | Катастрофик даражаси | Рискларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асосий йўналишларини бузиш даражасидаги таъсири. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг стратегияси ва тактикасини бутунлай ўзгартериш хамда рискларни бартараф этиш учун қўшимча катта маблағлар жалб этиш талаб қилинади |

* Муаллиф ишланмаси

Мазкур келтирилган шкала доирасида рискларнинг таъсир этиш кўрсаткичлари эксперталар томонидан баҳоланади. Ишончлилик даражаси ва объективликни таъминлаш мақсадида эксперталар таркибига корхона фаолияти билан яқиндан таниш, унинг кучли ва заиф томонларини яхши биладиган ва таваккалчиликлар билан курашиш тажрибасига эга бўлган кишилар қўшилишлари лозим. Энг аввало, булар мулкдорлар ва асосий ҳал қилувчи жоцлардаги мутахассис ходимлардир, шу боис уларнинг хulosаларига ишониш лозим.

Навбатдаги қадам олинган эксперталар баҳолашларини қайта ишлашдан иборат. Бунинг учун В.А.Абчук таклиф этган формуладан³⁵ фойдаланамиз:

³⁵ Абчук В.А. Предприимчивость и риск. – 5-е изд.СПб.: ИПК РП, 2017. С.268

$$Ri = 3,12pi \times \lg xi, \quad (3.1)$$

Бу ерда: Ri – i -нчи рискни баҳолашнинг эмпирик функцияси;

pi – риск катталиги;

xi – эҳтимолий йўқотишлар суммаси.

Мазкур формуланинг амалда қўлланилиши маълум аниқликлар киритилишини талаб этади:

- Хар бир рискнинг оғирлиги (уни тадбиркорлик субъектларининг хусусиятидан келиб чиқиб эксперт баҳолаш усулида аниқлаш мумкин);
- Киймат кўринишида эҳтимолий йўқотишлар суммаси (ҳар доим ҳам тўлиқ натижа беравермайди, чунки ҳар қандай йўқотишларни ҳам пулда ифодалаб бўлмайди).

Кейинги қадамда ички рисклар бўйича олинган маълумотларни жамлаш талаб этилади ва бунда уларнинг ҳар бирини баҳолаш ва уларга тегишли катталикдаги коэффициентни бириктириш талаб этилади. Бунда куйидагича оддий формула қўлланилади:

$$(3.2) \quad \text{TR} = \sum_{i=1}^k R_i.$$

Бу ерда: TR – ички рискларнинг қиймат кўриниши;

$i \dots k$ – баҳоланаётган ички рисклар.

Шу ернинг ўзида мазкур схемани нафақат ички рискларга, балки ташқи рискларга ҳам модернизациялаш имкони мавжудлигини таъкидламоқчимиз. Бунинг учун эксперт баҳолаш усулида олинган рисклар (ҳам ички, ҳам ташқи) қиймат кўринишиларига таъсир кўрсатиш ёки аҳамият коэффициентларини бериб чиқиш лозим. Бундан ташқари, рисклар шкаласи устида ишлаш талаб этилади. Бунинг учун рискларнинг ҳар қайси тури учун уларнинг чегаравий миқдорлари киритиш лозим.

Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ ва “AND QURILISH MATERIALLARI” МЧЖда рискларнинг чегаравий миқдорларининг баҳоланиши натижалари 3.3-жадвалда келтирилган.

3.3-жадвал

Ички рисклар чегаравий микдорларининг баҳоланиши*

| Шкала | Шкала даражаси | “XOLIS” МЧЖнинг чегаравий микдорлари | | “AND QURILISH MATERIALLARI” МЧЖнинг чегаравий микдорлари | |
|-------|----------------------|--------------------------------------|------|--|------|
| | | min | max | min | max |
| 1. | Аҳамиятсиз | 0,01 | 0,24 | 0,01 | 0,19 |
| 2. | Кичик | 0,25 | 0,44 | 0,20 | 0,39 |
| 3. | Ўрта | 0,45 | 0,64 | 0,40 | 0,59 |
| 4. | Юқори | 0,65 | 0,84 | 0,60 | 0,79 |
| 5. | Катастрофик даражада | 0,85 | 0,99 | 0,80 | 0,99 |

* Муаллиф ишланмаси

Жадвал маълумотлари таҳлилида ҳар икки тадбиркорлик субъектида рисклар баҳоланишининг чегаравий микдорлари нима учун фарқ қилаётганлигини қўшимча тарзда тушунтириш ва изоҳлаш талаб этилади. Бунинг сабаби улар кўламининг фарқ қилишидадир. Тўғри, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўрта корхоналар ҳисоблансада, “XOLIS” МЧЖ нинг кўлами “AND QURILISH MATERIALLARI” МЧЖ дан каттароқ ва унинг таваккалчиликлар баҳоланишининг чегаравий микдорлари бирмунча юқорироқ.

Юқоридаги тадқиқни янада аниқлаштириш учун 3.2-ва 3.3-жадвалларда келтирилган маълумотларни 3.4-жадвалда Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ бўйича кўрамиз.

3.4-жадвал.

Андижон шаҳридаги “XOLIS” МЧЖ учун рисклар миқдорий чегараларининг шаклланиши»*

| Шкала | Риск профиллари | Шкаланинг даражалари | | | | |
|-------|-------------------------|----------------------|-------|--------------|----------------------------|-------------------------|
| | | Аҳамият-сиз | Кичик | Ўрта | Юқори | Катастрофиксик даражаси |
| 1. | Иқтисодий | | | 1.1.3; 2.1.1 | 1.1.1; 1.1.4; 2.1.3; 2.1.5 | 1.1.2; 2.1.2; 2.1.4 |
| 2. | Информацион | 1.2.2 | 2.2.1 | 1.2.1 | | |
| 3. | Хукуқий | 2.3.1 | 1.3.1 | 2.3.2 | | |
| 4. | Ишчан | | | 2.4.3; 2.4.4 | 2.4.1 | 1.4.1; 2.4.2 |
| 5. | Маъмурий-бошкарувга оид | | | 1.5. 1 | 1.5.2 | 2.5.1 |
| 6. | Кадрларга оид | 2.6.1 | 1.6.1 | | | |

* Муаллиф ишланмаси

Умуман, рискларниң тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш жаҳон андозалари асосида, жумладан “Бизнесни юритиш” индексига кўра фаолият юритиш натижаларини баҳолашдаги кўрсаткичларга мос фаолиятни ташкил этиш имконини беради.

3.3. Ижтимоий-иқтисодий тизимларда риск менежменти асосида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш механизmlари

Глобаллашув жараёни ва инновацион тараққиётнинг шиддат билан ривожланиб бориши шароитида информацион технологияларни қўллаш таваккалчиликлар шароитида тадбиркорлик субъектлари самарали ишлашларининг асосий воситаларидан бири сифатида қараладики, улардан кенг ва самарали фойдаланиш тадбиркорлик субъектларига турли янги имкониятларни, жумладан рақобатбардошлиқ даражасини оширишни таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётнинг қатъий талаблари ва унинг риск менежменти тизими муолажаларини енгиллаштиришга қўшган ҳиссасини инобатга олиб, унинг ҳар бир босқичи вазифаларини ижро этишда тегишли ахборот базасини шакллантириш ва ундан оператив фойдаланиш муҳим аҳамият касб этәётир.

Умумий тарзда мазкур қадамлар **бошқарув қарорларини қабул қилиш информацион тизими (БҚҚИТ)**ни яратишга қаратилган. Унинг шаклланиши қўйидаги шароитларга асосланади:

- а) Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда замонавий техник воситаларни қўллаган ҳолда илмий асослардан фойдаланиш;
- б) Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва информатизация ва автоматлаштиришдан фойдаланган ҳолда уларни амалга оширишдаги тизимлилик;
- в) Тадбиркорлик қарорларини танлашга кўп вариантли, комплекс ёндошув;
- г) Келажакдаги қарорларни ишлаб чиқиш учун муҳим база сифатида яхши таркиблангандан ҳужжатлаштириш ва ҳисботлар тайёрлаш усулларининг мавжудлиги;
- д) Иглашнинг интеллектуал, информацион ва ҳисоб-китоб шаклларидан самарали фойдаланиш.

БҚҚИТ, рисклар соҳасида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг маҳсус тизими сифатида қўйидаги элементларга асосланади:

-Бошқарув қарорларини ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи субъектларни тавакқалчиликлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар (юзага келиши, таснифи ва тадбиркорлик тузилмаларига таъсир кўрсатиши) билан таъминловчи информацион-справочниклар тизими;

- Мавжуд маълумотлар ва уларни компьютерда қайта иглаш асосида корхонанинг рисклар шароитидаги иглашига ёки рискларни нейтраллаш

бўйича қарор варианти/вариантларини таклиф этишга имкон берувчи сунъий интеллект элементлари билан (муаммоларга йўналтирилган иммитацион тизимлар) ишловчи тизимлар.

Юқорида тавсифланган жиҳатлар асосида мазкур диссертацион тадқиқотимизда биз таклиф этаётган **БҚҚИТ яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бўйича бошқарув ҳаракатлари услубиётини кўриб чиқамиз (3.5-расм).**



3.5-расм БҚҚИТ яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бўйича бошқарув ҳаракатлари услубиёти.
(*муаллиф ишланмаси)

Мазкур услубиёт қилинган харажатлар ва тадбиркорлик субъекталарининг рисклардан муҳофазаланганлигини баҳолаш нисбатини ифода этувчи бошқариш воситасидир.

Тадбиркорлик субъектларида барқарорлик ва мувозанатнинг бузилишига ҳамда келишмовчиликларга олиб келувчи потенциал вазият кескинлигининг алоҳида нуқталари ва йўналишларининг диагностикасини амалга оширишга, олинган натижаларга қараб бизнеснинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ёки унга тузатишлар киритиш имконини берувчи “Риск калькулятори”ни қўллаш асосида таваккалчиликлар юзага келиш сабаблари диагностикасини амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик субъектларида риск-менежмент тизимини шакллантиришда интеграцион ёндошувни қўллаш таклиф этилган, чунки у тўлиғича тадбиркорлик тузилмасига хос бўлган рискни реал баҳолашни ҳамда маълум натижаларга эришишни таъминлади. Тадбиркорликда риск-менежмент тизими шаклланишида интеграцион ёндошувнинг афзалликлари 5-расмда акс эттирилган.


Тадбиркорлик субъектларида рискларни интеграцион бошқариш тизимининг асосий элементлариiga қўйидагилар киради: риск-менежмент хизмати, рискларни таснифлаш, рискларни бошқариш сиёсати, рискни баҳолаш, огоҳлантириш ва онгли тарзда қабул қилиш, рискларни кузатиш ва ҳисобга олиш тизими, қўйилган вазифалар ва фаолият натижаларининг бажарилиши текширувани амалга оширувчи бўлинмалар ҳамда назорат тизими, корхона функционал хизматлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро алоқалар.

АФЗАЛЛИКЛАРИ



3.6-расм. Тадбиркорлик субъектларида риск-менежмент тизими шаклланишида интеграцион ёндашувнинг асосий афзалликлари* *Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотни амалга ошириш мобайнида тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари рискларни бошқариш жараёнида энг мақбул натижалар олинишини таъминловчи рискменежмент таҳлилиниң асосий усуллари ва моделларини аниқлаш имконини берди (3.5-расм).



3.7-расм. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти рискларини таҳлил этишнинг асосий усуллари ва моделлари*

*Муаллиф ишланмаси.

Бунда жами сўралган раҳбарларнинг деярли 70 фоизи турли риск турларини баҳолашнинг методологик муаммолари мавжудлигини, 53 фоиз респондентлар эса рискларни баҳолашнинг бизнесга мослашган услубиёти мавжуд эмаслигини, 40 фоиздан кўпроғи – риск-менежмент бўйича ваколатли мутахассисларнинг этишмаслигини, 31 фоизи эса - статистик маълумотлар билан боғлиқ муаммолар талайгина эканлигини таъкидладилар.

Риск-менежмент таҳлилиниң асосий усуллари таркибида рискларни бошқариш жараёнида энг мақбул натижалар олинишини таъминловчи усуллар тақсимоти қуйидагича бўлди: салмоғи энг юқори салмоқ - маркетинг тадқиқотлари (80 фоиз), иккинчи ўринда бизнес жараёнлари таҳлили (71 фоиз), учинчи ўринда – иқтисодий-статистик усуллар (62 фоиз) ва SWOT-таҳлил (60 фоиз).

Тадбиркорлик субъектининг бозордаги риск мавқеини изоҳлаш учун тегишли коэффициентларни динамикада қиёслаш орқали корхона таркибий бўлинмалари бўйича фаолиятдаги риск зоналарини аниқлашга имкон берувчи коэффициентли таҳлил усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таҳлил асосида 2021 йилда Андижон шахридаги “Новатор” МЧЖ корхонаси тўловга лаёқатлилигини хусусиятловчи коэффициентлар ҳисоблаб чиқилган (3.5-жадвал).

Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, 2021 йил якунларига кўра “Новатор” МЧЖ корхонасида айланма маблағлар билан умумий таъминланганлик даражасини изоҳловчи жорий ликвидилик коэффициенти меъёрдагидан қарийиб 2 марта паст миқдорни кўрсатмоқда. Мазкур коэффициент корхонада молиявий барқарорликнинг имкониятлари кичик миқдорини ҳамда қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича юқори риск даражасини кўрсатмоқда.

3.5-жадвал.

2021 йилда Андижон шаҳридаги “Новатор” МЧЖ корхонаси рисклари ҳолатини хусусиятловчи коэффициентлар*.

| Кўрсаткич номи | Меъёр | “Новатор” МЧЖ натижалари | Изоҳ ва тушунтиришлар |
|--|--------------|---|--|
| Жорий ликвидлилик коэффициенти | >2 | 1,055 | Корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш қодирлигини хусусиятлайди |
| Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти | >0,1 | 0,031 | Корхонада унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган ўз айланма маблағлари мавжудлигини хусусиятлайди |
| Молиявий мустақиллик коэффициенти | 0,4-0,6 | 0,043 | Молиялаштириш манбаларида ўз маблағларининг улушкини кўрсатади |
| Молиявий барқарорлик коэффициенти | 0,7-1,5 | 0,045 | Корхона фаолиятининг қайси қисми ўз маблағлари ҳисобига, қайси қисми қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётганлигини кўрсатади |
| Мобил маблағлар айланувчанлиги (кун) | >0,6 | 0,046 | Корхона фаолиятининг қанча қисми барқарор манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини кўрсатади |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари айланувчанлиги (кун) | | 247 | Ҳисобот даврида таҳлил қилинаётган маблағларнинг бир марта айланиши ўртача давомийлигини кўрсатади |
| Дебиторлик қарзи айланувчанлиги (кун) | | 178 | Ҳисобот даврида таҳлил қилинаётган ишлаб чиқариш заҳираларининг бир марта айланиши ўртача давомийлигини кўрсатади |
| Кредиторлик қарзи айланувчанлиги (кун) | | 112 | Ҳисобот даврида дебиторлик қарзларининг бир марта айланиши ўртача давомийлигини кўрсатади |
| Қоплашнинг жорий коэффициенти | >0,7 | 215 | Ҳисобот даврида кредиторлик қарзларининг бир марта айланиши ўртача давомийлигини кўрсатади |
| Умумий жорий коэффициент | >2 | 0,479 | Дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоблашиш шарти билан таҳминлаштирилаётган корхона тўлов имкониятларини акс эттиради |
| | | 1,054 | Нафакат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоблашиш шарти билан, балки зарур бўлганда моддий айланма маблағларни сотиш тадбирларини хам кўзда тутувчи корхона тўлов имкониятларини акс эттиради |

*Муаллиф ишланмаси

Риск менежмент нуқтаи-назаридан корхонада мобил маблағлар айланувчанлиги кўрсаткичининг юқори даражаси (247 кун) хом ашё сотиб олиш учун маблағлар ишлатилишининг самарасизлигидан дарак беради. Ишлаб чиқариш запаслари айланувчанлигининг юқорилиги (178 кун) эса ортиқча харажатлар мавжудлиги ҳамда тадбиркорлик таркиби ноликвидлилиги рискнинг ўстанлигини хусусиятлайди.


Тадқик вазифаларидан келиб чиқиб, изланишимизнинг мазкур параграфида “Риск калькулятори”ни қўллаш асосида Андижон шаҳридаги “Новатор” МЧЖ корхонасида рисклар юзага келиш сабаблари диагностикаси амалга оширилган. Мазкур услубиёт корхонада мувозанатнинг бузилишига ва келишмовчиликларга олиб келувчи корхонада потенциал вазият кескинлигининг алоҳида нуқталари ва йўналишларининг диагностикасини амалга оширишга, олинган натижаларга қараб бизнеснинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ёки унга тузатишлар киритиш имконини беради.

Мазкур “Риск калькулятори” ўз ичига корхонанинг асосий риск йўналишлари бўйича уч қатор клавишларни олади: корхона ўсиши, корпоратив маданият, информацион менежмент. Калькуляторнинг ҳар бир қаторида тўрттадан клавишлар жойлашган ва уларнинг учтаси кескинлик мазкур йўналишини хусусиятлайди, тўртинчиси эса олдинги учта клавишнинг йиғинди суммасини кўрсатади. Охирида эса корхонада ички таваккалчиликнинг “жамланма” кўрсаткичи ҳисоблаб чиқарилган (3.8-расм).

| | | | | | | | |
|--------------------------|---|---|--|---|---|---|--|
| Корхонанинг ўсими | Ишлаш натижаларига талаб даражаси 7 | + | Корхона тўлиқ эксплансияси суръати 6 | + | Асосий (ҳал қилувчи) персонал тажрибалилиги даражаси 8 | — | Ўсиш таваккалчилик кўрсаткичи 21 |
|--------------------------|---|---|--|---|---|---|--|

| | | | | | | | |
|----------------------------|--|---|---|---|-----------------------------------|---|--|
| Корпоратив маданият | Тадбиркорлик ва ташаббуснинг жазоланиши даражаси 9 | + | Салбий янгиликларга қаршилик қила олиш даражаси 5 | + | Ички рақобат даражаси 7 | — | Корпоратив маданият таваккалчилиги кўрсаткичи 21 |
|----------------------------|--|---|---|---|-----------------------------------|---|--|

| | | | | | | | |
|------------------------------|--|---|--|---|---|---|---|
| Информацион менежмент | Трансакциялар мураккаблиги ва тезлиги даражаси 4 | + | Ишлар диагностика сида четга чиқишилар мавжудлиги даражаси 6 | + | Карорлар қабул қилиш номарказла шуви даражаси 8 | — | Информацион таваккалчилик кўрсаткичи 18 |
|------------------------------|--|---|--|---|---|---|---|




3.8-расм. Риск «калькулятори»ни қўллаш асосида тадбиркорлик субъектлари рискларини баҳолаш*

*Муаллиф ишланмаси.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдик, Андижон шаҳридаги “Новатор” МЧЖ корхонасида ички ризкнинг “жамланма” кўрсаткичи 60 бални ташкил этган. Ушбу ҳолат корхонада барқарор вазият хукм сураётганлигини тасдиқлади, чунки баҳолаш натижаси 42 балдан 68 баллгacha бўлган зонага тушмоқда.

Рисклар билан ишлашнинг принципиал хусусиятларидан бири – ўзининг мақоми ва бошқарувнинг қайси иерархик даражасига мансублигига қараб фойдаланиш имкониятига эга бўлувчи маълумотлар ҳажми ва уларда фирма ички хизмат сирларининг ташқарига чиқарилмаслигининг муҳимлигидир.

Тадбиркорлик субъекти персонали сабабчи бўлган рисклар таркибини абстракт модел тарзида тасаввур қилиш мумкин (3.9-расм).



3.9-расм. Тадбиркорлик субъекти персоналиниң ҳаракати/ҳаракатсизлиги оқибатида рисклар шаклланишининг абстракт модели*.

*Муаллиф ишланмаси.

Бу ерда гап ходимларни ўз корхонасининг рисклардан ҳимоялашга қизиқтириш ва бу орқали риск ҳолатлари рўй беришининг олдини олиш ва учинчи шахслар томонидан қилинажак қарши ҳаракатларга ғов бўлиш ҳақида кетмоқда. Бу жиҳатдан, биз таклиф этаётган *тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рисклар таъсирини камайтиришини таъминловчи қизиқтириши механизмининг концептуал модели* аҳамиятли деб ҳисоблаймиз (3.10-расм).



3.10-расм. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рисклар таъсирини камайтиришни таъминловчи қизиқтириш механизмининг концептуал модели. (*муаллиф ишланмаси).

Шундай қилиб, замонавий информацион технологиялар имкониятларидан ҳамда барча даражалардаги персонални самарали бошқариш имкониятларидан түлиқ фойдаланиш ҳам назарий жиҳатдан, ҳам аниқ бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ҳам глобаллашув ва фантехника тараққиёти шароитида рисклар билан ишлешнинг муҳим йўналиши сифатида чиқади.

Ш-боб бўйича хулоса:

1. Тадбиркорлик тузилмаларининг рақобатбардош стратегияларини шакллантириш учун ўзгарувчан иқтисодий муҳитда рақобатнинг хусусиятларини англаб етиш жуда муҳимдир. Янги шароитда рақобат тадбиркорларни бозорда самарали фаолият кўрсатишга мажбур қиласи, уларни истеъмолчиларга кенг турдаги товар ва хизматларни арzonроқ ва сифатлироқ таклиф қилишга мажбур қиласи.
2. Рискларни бошқаришда зарур чора ва усулларнинг оптимал вариантини танлаш тадбиркорлик субъектлари барча ходимлари (мулкдорлар ва раҳбариётдан тортиб то оддий ходимга қадар) ўртасида жиддий ҳамжиҳатлик ва эҳтиёткорликнинг бўлишини талаб қиласи.
3. Тадбиркорлик субъектларида рискларни интеграцион бошқариш тизимининг асосий элементларига қўйидагилар киради: риск-менежмент хизмати, рискларни таснифлаш, рискларни бошқариш сиёсати, рискни баҳолаш, огоҳлантириш ва онгли тарзда қабул қилиш, рискларни кузатиш ва ҳисобга олиш тизими, қўйилган вазифалар ва фаолият натижаларининг бажарилиши текширувини амалга оширувчи бўлинмалар ҳамда назорат тизими, корхона функционал хизматлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро алоқалар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Тадбиркорлик риски остида глобаллашув натижасида юзага келадиган ташқи ва ички жараёнлар ва ҳодисаларнинг мажмуини тушуниш лозим, бу эса тадбиркорлик тузилмаларидан ўсиб бораётган ноаниқлик шароитижа йўқотишларни минималлаштириш ва олиниши мумкин бўлган фойдаларни максимал даражада оширишга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қиласди.

Бу тадбиркорлик тузилмаларини, хусусан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ноаниқлик кучайган шароитда рискларни бошқаришда янги имкониятларни излашга йўналтиради. Бу ишбилармонлик муҳити, иқтисодий тизим ва бутун жамиятнинг жадал ривожланишини таъминловчи ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш асосида муросали ечимларни излаш ва бизнес тузилмасини бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан интеграциялашувини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ташқи омиллар таъсирида миллий тадбиркорлик тузилмалари учун янги рискларнинг пайдо бўлиши шароитида аниқ вазифалар ҳам белгиланиши мумкин, хусусан:

- импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик лойиҳалари ва дастурларини муқобил, шу жумладан ички молиялаштириш манбаларини излаш;
- инновацион тадбиркорлик соҳасида ишланмаларни рағбатлантириш ва муқобил ечимларни излаш.

Рискларни бошқариш соҳасидаги вазифалар рўйхатининг кенгайиши иккита ҳолатдан далолат беради: биринчидан, янги иқтисодий шароитларда тадбиркорлик фаолияти назарияси иқтисодиётни рақамлаштириш ва глобаллашуви ҳамда у билан боғлиқ янги имкониятлар ва рисклар таъсирида ривожланишда давом этмоқда; иккинчидан эса, шунга ўхшаш жараёнларни таҳлил қилганда ҳам, замонавий тадқиқотчилар кўпинча турли хил

хулосаларга келишади ва турли позициялардан услугий тавсиялар ишлаб чиқадилар.

2. Глобаллашув ва жадал инновацион ривожланиш шароитида рисклар диффузияси жараёни кузатилаётир ва у мавжуд бўлиб, улар ўзгартирилганда, муайян шароитларда ишлайдиган муайян тадбиркорлик тузилмаси учун янги, ноёб комбинацияларни яратади.

Бугунги кунда рискларнинг табиати ҳам ўзгартмокда, чунки уларни келтириб чиқарадиган ташқи шароитлар ички шароитлардан кўра муҳимроқ бўлади. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, тадбиркорлик тузилмасининг юқори бошқаруви даражасида ходимлар фаолиятини режалаштириш ва мониторинг қилиш нуқтаи-назаридан рискларни бошқариш функциясининг мураккаблиги мавжуд.

Бу фаолиятни оптималлаштириш ва барча турдаги рискларни минималлаштиришга асосланган тадбиркорлик фаолиятининг максимал самарасини олишга қаратилган мақсадли таҳлилий ва бошқарув ишлари сифатида белгиланган рискларни бошқаришнинг мақсадли функциясини аниклаштиришни талаб қилди. Уни амалга ошириш, ўз навбатида, тактик, тезкор ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этиш имконини берувчи ягона тизимли асосга таянмоғи лозим.

Ташқи ишбилармонлик муҳитида юзага келадиган рисклар ҳақида гапирганда, рақобатчиларнинг ҳаракатларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Шундай қилиб, рақобатчилар муайян бизнес тузилмаларининг фаолияти ва умуман бозор учун рисклар яратадилар. Бундан ташқари, рақобатчилар ўз кучларини жаҳон бозорида мавжуд бўлган ва мамлакатлараро рискларни ташкил этувчи жараёнлардан миллий бозорга нисбатан юзага келадиган ташқи рискларни минималлаштириш ёки йўқ қилиш жараёнида бирлаштиришлари мумкин.

3. Тадбиркорлик тузилмалари рисклар билан ишлаш соҳалари, юзага келиш босқичлари ва бориши, шунингдек уларни бартараф этиш ёки

минималлаштириш имкониятлари каби мезонларга қўра нисбатан кичик гурухларга бирлаштирилиши мумкин бўлган рискларни бошқариш соҳасидаги воситаларнинг кенг рўйхатидан фойдаланадилар. Бундай мезонларнинг кам сони ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблар билан изоҳланади.

Объектив сабаблар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, уни тўлик бозор шартларидаги ривожланиш деб аташ қийин. Бугунги кунда унда, жумладан, узоқ муддатли иқтисодий жазо чоралари натижасида маъмурӣ бошқарув принциплари мустаҳкамланмоқда, бир қатор соҳаларда эса бозор тамойиллари қисқармоқда.

Албатта, шундай шароитларда ҳам хусусий мулкни сақлаш, хусусий ташаббус, иқтисодий қарорлар қабул қилишда мустақиллик каби бозор тамойиллари асосий бўлиб қолмоқда.

Субъектив сабаблар тадбиркорлик тузилмалари (давлат корпорациялари ва табиий монополиялар бундан мустасно), одатда, рискларга қарши туришда муҳим кучга эга эмаслиги билан боғлиқ. Уларнинг чекланган молиявий имкониятлари ушбу соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ва юқори самарали техник ва дастурий мониторинг воситаларидан фойдаланиш имконини бермайди.

Буни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тузилмалари учун хос бўлган рисклар хақида умумий фикр шакллантирилди. Агар риск кўплаб корхоналарга тарқалса ва улар тизимли бўлганда, бу тармоқ, худудий ва ундан кейин макроиқтисодий нисбатлар бузилишларига олиб келади. Бу нафақат тадбиркорлик тузилмаси, балки саноат, худуд даражасида, шунингдек республика даражасида ўзига хос, мураккаб ишни талаб қиласи. Шу муносабат билан бундай хукуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар йўналишлари таклиф қилинган.

Шу асосда амалга ошириладиган амалий ҳаракатлар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда синергетик самарани таъминлайдиган муҳим тизимости бошқарув элементини ташкил қилиши керак.

4. Рискларни баҳолаш бўйича бошқарув ҳаракатларининг таклиф этилаётган концептуал кетма-кетлиги унинг аниқ тадбиркорлик тузилмаларига нисбатан тадбирларнинг батафсил тавсифини ўз ичига олади.

Биринчи қадам қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) муайян корхоналар учун бизнес-жараён моделини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) муайян рискларни эксперт баҳолаш мажбуриятлари билан асосий менежерлар ва корхона эгаларига масъулият юклаш;

3) муайян рискларни, шунингдек уларни шакллантирувчи омилларни аниқлаш мақсадида қабул қилинган ва амалга оширилган бизнес-жараёнларни эксперталар томонидан таҳлил қилиш (олдинги қадамга қаранг);

4) рискни аниқлаш ва риск шароитида ишлаш бўйича ходимларнинг фаолияти бўйича йўриқномалар, қоидалар, меъёрларни ишлаб чиқиш;

5) рискларнинг бизнес тузилмаси ишига таъсирининг йўналиши ва кучи ҳақидаги маълумотларни ҳисботда ҳужжатлаштириш ва акс эттириш.

Мазкур услубиётнинг ушбу босқичларини амалга ошириш жараёнида ички рискларнинг икки гурӯҳи ва уларни ташкил этувчи омиллар билан иш олиб борилди: бизнес-жараёнларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган янги пайдо бўладиган рисклар, айниқса корхонани ривожлантириш ёки диверсификация қилиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти ва бизнес жараёнлари билан боғлиқ доимий мавжуд рисклар.

Ушбу услубиётнинг иккинчи босқичи тадбиркорлик тузилмаси учун тегишли ички рискларни аниқлашни ўз ичига олади.

Услубиётнинг учинчи босқичи амалда қўлланиладиган риск шкаалалари билан ишлаш бўлиб, уларнинг ҳар бири учун чегара қийматлари киритилган.

5. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига рисклар таъсирини камайтиришни таъминловчи қизиқтириш механизмининг концептуал моделини қўллаш самарадорлигини баҳолаш бўйича бошқарув ҳаракатларининг услубиёти таклиф этилган. Уни қўллаш харажатлар ва натижалар ўртасидаги нисбатни аниқлаш ва шу асосда тадбиркорлик тузилмасини у томонидан қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда рисклардан ҳимоя қилиш даражасини баҳолаш имконини беради. Белгиланган ҳаракатлар кенг қамровли бўлиши ва мақсадли молиялаштириш моделидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши лозим.

6. Рисклар билан ишлашнинг муҳим хусусияти - ҳар бир ходимнинг мақоми ва иерархик бошқарув даражасининг у ёки бу шахсга тегишлилигига қараб кириш ҳуқуқига эга бўлган маълумотлар миқдорини аниқлашдир.

Шундай қилиб, глобаллашув ва илмий-техника тараққиёти шароитида ҳам назарий нуқтаи-назардан, ҳам бошқарувнинг аниқ муаммоларини ҳал қилиш учун рисклар билан ишлашнинг муҳим йўналиши - барча даражадаги ходимларни бошқариш самарали тизимини ташкил этиш билан бир қаторда замонавий ахборотлаштириш имкониятларидан фойдаланиш энг муҳим йўналиш сифатида қаралиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,2018й.40 бет.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «КорХоналар тўғрисида» ги Қонуни. Қонун ва Қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 1992.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корХоналар тўқрисида» ги қонуни Қонун ва қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 2003.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий комплекс ривожлантириш концепция”си.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 январь 2019 йилдаги №5614-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий комплекс ривожлантириш концепция”си.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг солик кодекси, янги таҳрири 2019 йил 30 декабрь, <https://lex.uz/docs/4674902>
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3107036>
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори, <https://lex.uz/docs/4131684>
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4555-сонли Қарори,

- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилиармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги ПФ4534-сонли // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.– 2011. – 34-35-сон. – 344-модда.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги// Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. 2005. -23-24-сон. -167-модда.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тадбиркорлик субъектларининг Хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги ПФ-3622-сонли // “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2005 йил, 25-26-сон, 178- модда.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат Хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ПҚ-2164-сонли, 2014 йил 15 апрель.
- 1.13. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш.,2018 йил 27 июль, ПФ-5490-сон
- 1.14. Ўзбекистон Республикасининг2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонунига мувофиқ муаллиф томонидан тузилди.
- 1.15. Солиқ кодексининг -18 моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391 сонли Қонунига мувофиқ ўзгартириш киритилган.

- 1.16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22 декабрь 2017 йил. – Халқ сўзи газетаси.
- 1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корҲоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора тад-бирлари тўғрисида»ги ПҚ-2895-сон қарори.
- 1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ПҚ-4069 20.12.2018 й.

II. Президент асарлари

- 2.1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб Халқимиз билан бирга қурамиз.–Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.–488 б.
- 2.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шаҲсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
- 2.3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б
- 2.4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва Халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
- 2.5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 61 б.
- 2.6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шахри 2020 йил 24 январь, <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

- 3.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги №ЎРҚ-328, 02.05.2012 // Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг АҲборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” 2005 йил 15 июндаги. // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. -2005. -23-24- сон. - 168-модда.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйХатига олиш ва ҳисобга қўйишининг Хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги” 2006 йил 24 май ПҚ 357сонли. // Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами 12-сон. 106-модда.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 04.04.2011 й. ПФ-4296-сонли // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.

IV. Асосий адабиётлар

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шаҳсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси

бўлиши керак” маъruzасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2017. – 126 бет.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг асосий якунлари ва 2018 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2018 йил фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш иили бўлади” мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2018. – 56 б.

4.3. ШарифХўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик–Т.: 2003.-37 б.;

4.4. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари, 100 саволга 100 жавоб. –Т.: Мехнат. 2002. -157 б.

4.5. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: 2003. –258 б.

4.6. Бекмуродов А.Ш., Йўлдашев Н.К. Менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан». 2004. – 65 б.

4.7. Болтабоев М.Р., Ғойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: 2011.-43 б.

4.8. Самуэлсон П. Экономика 1-й том. М. МГП Алгон. 1992; Самуэлсон П. Экономика 2-й том. М. МГП Алгон. 1992.; Хейне П. Экономический образ мышления. М. «Новости», 1991

4.9. Тадбиркорлик рискларини бошқариш асослари: ўқув қўлланма/ А.В.Ваҳабов, Ш.А.Ташматов, Н.Х.Хайдаров, А.В.Ваҳабов.- Тошкент: Бактрия Пресс. 2013. 1986

4.10. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, 1962, – Кн.5. – с.588.

4.11. Сей Ж.Б. Трактат политической экономики.- М.: 1985, 55-с.

4.12. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М: Прогресс. 1985, 159 с.

- 4.13. Курбангалеева О.А. Как правильно применять упрощёнку. – М.: “Эксмо”, 2007. – С. 416.
- 4.14. Гуров Л.Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари // Бозор, пул ва кредит.–Тошкент, 1999. – №7–Б. 32.
- 4.15. Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: «Шарқ», 2002. - 9 б.
- 4.16. Абдуллаев Ё. ва бошқалар. Тадбиркор ён дафтари: кичик бизнес ва тадбиркорлик.–Т.: «Мехнат», 1999. - 12 б.
- 4.17. Ўлмасов А., ШарифХўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Мехнат», 1999. – Б. 243.
- 4.18. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016.229-б.
- 4.19. Кирцнер И. Конкуренция и предпринимательство. – М.: Социум, 2010.– 151-б.
- 4.20. Багиев Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2001. 7-б.
- 4.21. Бородушко И.В. Теоретико-методологические и правовые аспекты анализа экономических рисков // Вестник Санкт-Петербургской юридической академии. – 2017. – № 1 (34). 58-б.
- 4.22. Richard Stone, Stendley brown Effective risk management models for business entities //Public finance. Paris, 2017 year may, 22-28 p.
- 4.23. Ju Huang Ji Risk management system for business entities: from forecast to reality JDI Executive Programs.- 2016. – №. 2016-08.- 34p.
- 4.24. Воробьев С.Н. Урегулирование системы рисков предпринимательских структур: комплексное решение // Российское предпринимательство. 2017. №22 (220). – с. 190-194;
- 4.25. Забирова Л.М. Комплексный подход к процессу защиты рисков предпринимательских структур // Казанская наука. 2018. №3. - с. 114-119.
- 4.26. Савинов И.Т. Риски предпринимательских структур: проблемы администрирования и пути минимизации // Региональные проблемы

- преобразования экономики. 2018. №3 (37). – с.210-213;
- 4.27. Некрылова Н.В. Повышение эффективности управления рисками предпринимательских структур на современном этапе. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н.. Владивосток, 2018, с.11.
- 4.28. Голубятникова Ю.Ю. Хозяйственные риски в предпринимательской деятельности: монография. – Воронеж: ООО «Издательство РИТМ», 2017. с.41.
- 4.29. Иода Е.В., Измалкова И.В. Риски предпринимательской деятельности: подходы к управлению // Инновационная экономика и право. – 2017. –3(8). – с.28
- 4.30. Носиров Э.И., Маматов Б.С., Шоисломова Н.К., ШарифХоджаева К.Ү. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В.Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида– Т.: “Фан ва технология”,2012. - 56 бет.
- 4.31. Арнаут М.Н. Принципы динамичного развития предпринимательства //Азимут научных исследований: экономика и управление. – 2017. –№ 3(20). – С. 178-181
- 4.32. Ходиев Б.Ю., Самадов F.А., Никола Мелони, Қабулов А.А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А., Ишмуровов С.Т. “Кичик бизнес фаолияти асослари” (Ўқув-амалий қўлланма) – Т.: EX TEMPYC дастури “Матадор-2000” лойиҳаси, 2004 й, 49-6.
- 4.33. Морозов Д.С.Проектное финансирование:управление рисками. Учебное пособие. 6-изд– М: Анкил, 2018, 26 с.
- 4.34. М.ШарифХужаев, Ё.Абдуллаев “Менежмент: 100 савол ва жавоб” . Т.: Молия,2004. – 46-б.

V. Қўшимча адабиётлар

5.1. Тошмуродова Б, Хамдамов О, Молиявий менежмент:, Тошкент

“Иктисад-Молия” 2012 40-б

- 5.2. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Тошкент: Молия, 2006.
- 5.3. Карлибаева Р. ва бошк. Молиявий менежмент- Т.:“Иктисадиёт”2012. - 186 б
- 5.4. Тошмуродова Б, Хамдамов О, Молиявий менежмент:,Тошкент “Иктисад-Молия” 2012 40-б
- 5.5. Ваҳобов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг тақороран ҳосил бўлиши. – Т.: “Шарқ”, 2003. – 285 б.
- 5.6. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. / М.ШарифХўжаев илмий таҳрири остида. -Т.: “Шарқ”, 2003. - 331-332 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик хисоботлар ва тўпламлар

- 6.1. X.Имодинов Хизмат қўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик тузилмалари фаолияти мезонлари ва ишчанлик муҳити. Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги – ЎзА илм-фан бўлими (электрон журнал) 2021 йил №10
- 6.2. X.Имодинов Three-dimensional system for assessing the effectiveness and alignment of business priorities. Middle European Scientific Bulletin (Чехия) 2021 йил, 228-235 бетлар
- 6.3. X.Имодинов Risk management function in entrepreneurship: features and problems of modern development. Journal of Xi'an University of Architecture & Technology (Хитой) 2021 йил 698-707 бетлар
- 6.4. X.Имодинов Тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш. Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, 2020 йил, №10.
- 6.5. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тузилмаларининг глобал таваккалчиликлар шароитидаги фаолият юритиши мониторинги ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш муаммолари таҳлили. Servis журнали 2020 йил 4-сон

- 6.6. X.Имодинов Функция управления рисками в предпринимательстве: особенности и проблемы современного развития. Ўзбекистон миллий аҲборот агентлиги – ўза илм-фан бўлими (электрон журнал) 2020 йил октябр
- 6.7. X.Имодинов The economic substance of risk in entrepreneurial activity. EPRA International Journal of RESEARCH & DEVELOPMENT (IJRD) Хиндистон-2020 йил
- 6.8. Рискларни тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига таъсирини баҲолаш усуллари. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар (МаҲсус сон) 2020 йил
- 6.9. Тадбиркорлик тузилмалари фаолияти мезонлари ва ишчанлик муҳити. «Саноат корҲоналарини инновацион ривожлантириш: назария ва амалиёт» мавзусида Халқаро илмий-амалий (online) конференция З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети 2020 йил 10 октябрь
- 6.10. X.Имодинов Тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш. “Иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришнинг далзарб масалалари: миллий ва Хорижий тажриба, мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция Андижон 2020 йил
- 6.8. Андижон вилояти йиллик статистик тўплами. 2016-2021 йиллар.
- Т.: Давлат статистика кумитаси, 2017, - 2846.

VII. Интернет сайлари

- 7.1. <http://www.gov.uz> - Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
- 7.2. <http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги ҳуқуқий аҲборот билан таъминлаш маркази.
- 7.3. <http://www.norma.uz> – “Norma hamkor” масъуляти чекланган жамияти.
- 7.4. <http://www.soliq.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.
- 7.5. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

- 7.6. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
- 7.7. <http://www.ziyonet.uz> - Жамоат аҲборот таълим тармоғи.
- 7.8. www.rts.ru сайти маълумотлари асосида тайёрланди.